

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ
ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

"Иқтисодиёт" кафедраси

Абдугаффарова Гулчехранинг

Худуд иқтисодиётида хизматлар бозорини ривожланиш даражаси тахлили
(Вилоят хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси мисолида)

Раҳбар: Иқтисодиёт кафедраси
катта ўқитувчиси Мамажанова С.В.

Гулистон- 2015

МУНДАРИЖА

I Боб. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ХИЗМАТЛАР БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

- 1.1. Хизмат кўрсатиш корхоналари фаолияти ва уни ижтимоий-иқтисодий аҳамияти
- 1.2. Хизмат кўрсатиш соҳасининг асосий вазифалари

II боб. ХИЗМАТЛАР БОЗОРИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ Йўналишлари

- 2.1. Хизмат кўрсатиш корхоналари фаолияти самарадорлигини ошириш йўллари
- 2.2. Хизматлар бозорини ривожлантиришнинг иқтисодий йўналишлари

3-Боб. Сирдарё вилоятида хизматлар бозорини ривожланганлик ҳолати таҳлили ва истиқболлари

- 3.1. Ҳудуд хизматлар бозорининг ҳозирги ҳолати таҳлили
- 3.2. Мамлакатимизда хизматлар бозорининг ривожланганлик ҳолати ва истиқболлари
- 3.3. Сирдарё вилоятида хизматлар бозорини ривожланиш даражаси таҳлили

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Республикамизда барқарор ва ижтимоий йўналтирилган иқтисодий самарали ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар бугунги кунда ўз натижаларини бермоқда.

XX асрнинг иккинчи ярми XXІ асрнинг бошларида иқтисодий тизимда бирдан-бир аҳамиятли ҳодиса бўлиб, ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиши ва бу соҳада иш билан бандлар сонининг кенгайиб бориши ҳисобланади. Ҳозирги вақтда ривожланган мамлакатларнинг хизмат кўрсатиш соҳасида иш билан бандлар салмоғи 70,0 фоиздан зиёд ва унинг ялпи ички маҳсулотдаги ҳиссаси 80,0 фоиз атрофини ташкил этмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг жорий ва истикболдаги чора-тадбирларини белгилашда жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози оқибатларининг таъсирини ҳар томонлама ҳисобга олиш, иқтисодий ривожланиш дастурларини ушбу жараёнлар таъсири нуқтаи назаридан шакллантириш ва уларни изчил амалга оширишни тақозо этмоқда. Шунга кўра, 2014 йилда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида 13,4 фоиз ўсишга эришилди, сўнгги ўн йилда эса аҳолига кўрсатилган пуллик хизматлар ҳажми киши бошига ҳисоблаганда, қарийб 20 баробарга ошди.

Хизмат кўрсатиш соҳаси моҳияти ва мазмунига кўра, замонавий ҳаёт сифатини таъминлаш билан боғлиқ бўлган инсон капитали ривожланишига шарт-шароит яратиш ҳамда меҳнат тақсимотининг нисбатан юқори даражага ўтишини таъминлаш билан боғлиқ бўлган инсон фаолиятининг турли кўринишлари ва йўналишларини ўз ичига олади.

Ишнинг мақсади ва вазифалари. Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодийдини дивер-сификациялаш ва энг муҳим тармоқларни модернизациялаш жараёнида хизмат кўрсатиш корхоналарини доимий равишда ўзгариб боровчи бозор муносабатлари шароитида барқарор

иқтисодий ривожланиши уларнинг хўжалик фаолияти самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштиришни талаб этади. Чунки хизмат кўрсатиш корхоналари фаолияти самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизми билан боғлиқ бўлган хизмат кўрсатиш интенсивлигини таъминлаш, ресурслардан фойдаланишда тежамкорликка эришиш, ходим меҳнатидан фойдаланиш самарадорлиги ва хизмат кўрсатиш сифати ҳамда унинг натижавийлигини ошириш, истеъмолчилар талабини тўлиқ қондириш масалалари соҳанинг ўзига хос муаммоларидан бири ҳисобланади. Шунингдек, маҳаллий корхоналарнинг халқаро бозордаги хизматлари даражаси ва сифатини ошириш, ушбу асосда хизматлар экспортини кўпайтириш бугунги куннинг асосий вазифаларидан биридир. Ушбу мақсадларни амалга ошириш борасида қуйидаги асосий вазифалар ҳал этилади:

- Хизмат кўрсатиш корхоналари фаолияти самарадорлигининг таҳлили;
- иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятининг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш;
- Хизмат кўрсатиш корхоналари фаолияти самарадор-лигини оширишнинг ташкилий механизмини такомил-лаштириш;
- Хизмат кўрсатиш корхоналари самарадорлигини оширишнинг иқтисодий механизмини оширишни йўналишларини аниқлаш.

Ишнинг янгилиги. Ишнинг илмий янгилиги шундан иборатки, хизматлар бозорини тизимини шакллантиришга дахлдор муаммолар аниқланиб, уларни ҳал этиш йўллари тадқиқ этилди. Хизмат кўрсатиш корхоналарини ривожланиш ҳолати таҳлил қилиниб, унга тўсиқ бўлаётган омилларни бартараф қилиш йўллари ишлаб чиқилди.

Ишнинг амалий аҳамияти шундаки:

- Хизмат кўрсатиш соҳаси иқтисодиётнинг асосий йўналишига айланиб бормоқда, уларнинг фаолиятида маркетинг тизимини йўлга қўйиш бугунги куннинг энг муҳим вазифасидир;

- Республика истеъмол бозорини шакллантиришда бозорни озиқ-овқат, ноозиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдиришда хизмат кўрсатиш соҳасининг салмоғи йилдан-йилга ошиб бормоқда;

- аҳолини иш ўринлари билан таъминлашда энг кўп ўсиш кичик бизнес соҳасида кузатилмоқда;

- хизматлар бозорини маркетинг усуллари бўйича бошқариш унинг самарадорлигини оширишнинг ҳал қилувчи йўналишидир.

Тадқиқот натижасида қуйидаги хулосаларга келинди::

- ҳудудий даражада хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш давлат дастурини амалга ошириш бўйича ахборот таъминотини шакллантириш зарур. Бунга кўра, вилоятда фаолият юритувчи хизмат кўрсатиш субъектлари учун қуйидаги тадбирларни амалга оширишда маълумотлар банки муҳим роль ўйнайди:

- вилоят аҳолисига, корхоналарга, тадбиркорларга маълумотлар банки орқали уларнинг хизматлари ҳақида тўлиқ маълумотлар олиш имконини беради;

- вилоят миқёсида ахборот пунктларини очиш, жойлаштириш йўли билан жами аҳоли учун ахборотлардан фойдаланишга имконият яратади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 21 майдаги «Ўзбекистон Республикасида 2010 йилга қадар хизматлар ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳақида»ги ПҚ-640 сонли қарори хизматлар ҳажмининг ялпи ички маҳсулотдаги улушини оширишда асосий дастур бўлиб хизмат қилди.

Хизмат кўрсатиш фаолияти самарадорлиги муаммоси тадқиқотининг назарий ва амалий жиҳатлари иқтисодиётни модернизациялаш шароитида хизмат кўрсатиш соҳасини ҳар томонлама комплекс баҳолашни назарда тутди.

Битирув малакавий иш 2 та боб, кириш ва хулоса қисмларидан иборат.
Ишни ёритишда **та** жадвал ва та чизмалардан фойдаланилган.

I боб. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ХИЗМАТЛАР БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1.Хизмат кўрсатиш корхоналари фаолияти ва уни ижтимоий-иқтисодий аҳамияти

Янги ахборот технологиялари кенг тарқалаётган ҳозирги даврда жаҳон ҳамжамиятининг ривожланиши шундай босқичга эришдики, бу ҳол ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча жиҳатларига ўз таъсирини кўрсатиб, ўзгартириб бормоқда. Ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги бундай ўзгаришларни иқтисодчи олимлар шундай эътироф этмоқдаларки, у инсоният цивилизацияси тараққиёти янги босқичга ўтганлиги билан белгиланади. Уларнинг фикрича, цивилизациянинг бу босқичида ҳал қилувчи омил сифатида инсонларнинг билим ва малакалари ҳамда ахборотлар эгаллайди.

Ҳозирги замон ривожланиш тенденцияси асосан хомашё ва индустриал иқтисодиётдан хизмат кўрсатиш иқтисодиётига ўтиши билан тавсифланади. Бунда асосий эътибор интеллектуал ресурслардан фойдаланишда фан ва ахборотлар технологиялари сиғими катта бўлган замонавий тармоқларни ривожлантиришга қаратилган. Жамият тараққиётидаги бундай ҳолат иқтисодиётнинг бошқа соҳаларига нисбатан хизмат кўрсатиш соҳасини кенгроқ ривожланишини талаб этади.

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, АҚШ иқтисодиётида мавжуд иш ўринларининг 80,0 фоизи хизмат кўрсатиш соҳасига тўғри келади. Шунингдек, ушбу соҳада фаолият юритаётган мутахассисларнинг 85,0 фоизи юқори малакали кадрлар ҳисобланади.

Шунга ўхшаш тенденцияни бошқа ривожланган, бозор иқтисодиётига асосланган мамлакатлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Масалан, Буюк Британия саноатида иш билан банд бўлганлар 14,0 фоизни, Японияда 18,0 фоизни, Италия ва Германияда 20,0 фоизни ташкил этади. “Economist” журналининг эътироф этишича, АҚШ саноатида иш билан банд бўлганлар

сони умумий меҳнатга лаёқатли аҳолининг 10,0 фоизини ташкил этади. Уларнинг деярли ярми бевосита ишлаб чиқаришда банд бўлмасдан хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган фаолият билан (дизайн, товарларни тарқатиш, молиявий режалаштириш, маркетинг ва ҳ.к.) шуғулланишади¹.

АҚШ бандлик статистикаси бюросининг маълумотларига кўра, бўш иш ўринларининг яратилиши кўпроқ хизмат кўрсатиш соҳасига тўғри келмоқда.

Сервис иқтисодиётининг шаклланиши ва ривожланиб бориши ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган мамлакатларнинг ялпи ички маҳсулот таркибини ҳам ўзгаришига ўз таъсирини кўрсатмоқда. Ҳозирги вақтда муайян мамлакатни ривожланган мамлакатлар каторига қўшиш учун яратилаётган ялпи ички маҳсулот таркибида хизмат кўрсатиш соҳаси ҳиссасининг 65,0 фоиздан юқори бўлиши асосий мезон ҳисобланади. Масалан, АҚШ иқтисодиётида яратилган ялпи ички маҳсулот таркибида хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши 78,0 фоизни ташкил этади ва унда ишлаб чиқариш фондларининг 40,0 фоизи мазкур соҳа ҳиссасига тўғри келади. Европа Иттифоқи мамлакатларида эса ялпи ички маҳсулотнинг 65,0-70,0 фоизи, Японияда хизмат кўрсатиш соҳаси 62,0 фоизи ҳиссасига тўғри келади. Шунингдек, дунё бўйича тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажмининг 40,0 фоизи хизмат кўрсатиш соҳасига йўналтирилган.

Халқаро валюта фонди маълумотларига кўра, ХХІ асрнинг бошларида барча турдаги хизматлар ҳажми 1500,0 трлн. АҚШ долларини (бу кўрсаткич жаҳон ялпи ички маҳсулотининг 70,0 фоизини ташкил этади) ташкил этган. Халқаро савдо хизматлари эса, жаҳон ҳўжалигининг барқарор ривожланувчи секторини ташкил этади².

ХХ асрнинг 50-йилларида рўй берган фан-техника инқилоби ишлаб чиқариш кучларининг сифат жиҳатидан ўзгаришига, ишлаб чиқаришнинг моддий-техника базасини тубдан янгиланишига ва халқаро меҳнат

¹ О сокращении занятости в мировой промышленности // БИКИ. 2005. № 138 (8934), -С. 4.

² Бурменко Т.Д. Экономика сферы услуг (Вводный курс) / Т.Д.Бурменко. –Иркутск: Изд-во БГУЭП, 2004. –С.37-38.

таксимотининг чуқурлашиб боришига олиб келди. Натижада XX асрнинг 70-йилларидан бошлаб ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган мамлакатлар иқтисодиётининг хизмат кўрсатиш соҳасида иш билан бандлар сони ўсиб борди. Хизматлар бозорида ишлаб чиқаришнинг асосий омили билим ва ахборотлар муҳим аҳамиятга эга.

1.1-жадвал маълумотлари таҳлили шуни кўрсатадики, ривожланган мамлакатларда хизмат кўрсатиш соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги ҳиссаси мунтазам ўсиш тенденциясига эга.

Натижада сервис иқтисодиётининг фарқ қилувчи хусусияти сифатида ахборотлар алмашуви ҳал қилувчи роль ўйнай бошлади. Шунингдек, ҳозирги кунда хизмат кўрсатиш соҳаси ахборотларни тарқатувчи ва ундан фойдаланувчи тармоққа айланиб бормоқда. Масалан, бугунги кунда 63,0 фоиз хизматлар интеллектуал хизматлар категориясига киритилади. Масалан, АҚШда 1991 йилда компьютер ресурслари бизнесининг 76,6 фоизи хизмат кўрсатиш соҳаси ҳиссасига, фақатгина 11,9 фоизи компьютерлардан интенсив фойдаланувчи саноат тармоқлари ҳиссасига тўғри келган¹.

¹ Opeds and speeches//MTI For Your Information: Productivity in the Services Sector. 2003. Nov12

**Ривожланган мамлакатларда хизмат кўрсатиш соҳасининг ялпи ички
маҳсулотдаги ҳиссаси**

Мамлакатлар	Йиллар		
	1985	2004	2014
АҚШ	68,3	75,9	78,0
Франция	60,8	69,2	71,0
Италия	59,0	66,4	66,4
Япония	60,0	65,5	67,3
Буюк Британия	53,0	66,4	69,5
Швеция	57,3	63,6	65,7

Мамлакатимизда сўнгги 4 йил мобайнида йилига ўртача 50,0 % ўсишни таъминлаётган ахборот коммуникация технологиялари соҳасида хизмат кўрсатиш жадал ривожланаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Натижада хизмат кўрсатиш соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2010 йилдаги 42,5 фоиздан 2013 йилда 45,3 фоизга ўсди. 2014 йил якуни билан эса бу кўрсаткич **52,5** фоизга етди.

10

эътибор қаратиш лозимлиги, аҳолига хизмат кўрсатиш сифати ҳам талаб даражасида эмаслигини таъкидлаганлар¹.

Республикамизда мустақилликдан сўнг амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар негизида вужудга келаётган янги иқтисодий муносабатлар хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш учун қулай имкониятлар яратди. Яъни, иқтисодий ислохотлар хизмат кўрсатиш корхоналари ва ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш, янги хизмат кўрсатиш шакллари ва усуллариининг вужудга келишига имконият яратди.

1.2-жадвал

Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларининг ўсиш суръатлари

(олдинги йилга нисбатан фоизда)

Хизмат турлари	2011 й.	2012 й.	2013 й.	2014 й.
Жами хизматлар	126,6	121,0	110,8	113,4
Шундан: савдо ва умумий овқатланиш хизматлари	132,5	126,8	111,2	115,7
Транспорт хизматлари	121,1	112,7	106,2	107,1
Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	151,5	140,1	118,2	129,0
Молия ва банк хизматлари	123,8	132,2	119,9	122,6
Туристик саёҳат хизматлари	122,3	126,3	101,7	112,7
Меҳмонхона хизматлари	133,5	122,5	107,3	109,0
Маиший ва коммунал хизматлар	109,3	108,4	110,8	110,3
Автомобилларни таъмирлаш ва бошқа техник хизматлар	138,7	139,2	121,3	124,4
Бошқа хизматлар	142,5	130,6	117,6	120,5

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси

Жами хизматлар ҳажми 2011 йилда олдинги йилга нисбатан 126,6 %га ўсган бўлса, 2014 йилга келиб мазкур кўрсаткич олдинги йилга нисбатан

¹ Каримов И.А. «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни баргараф этишнинг йуллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. –Т.: Иқтисодиёт, 2009. 46 -б.

113,4 % га ошган. Мамлакатимиз бўйича олдинги йилга нисбатан энг юқори ўсиш алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳиссасига (129,0 %) тўғри келган (1.2-жадвал).

маълумотлари асосида ҳисобланган.

Бугунги кунда хизмат кўрсатиш корхоналари фаолияти иқтисодий жиҳатдан ишлаб чиқаришга қараганда самарали бўлиб бормокда, чунки хизмат кўрсатиш корхоналарида молиявий маблағларнинг айланиши ҳам тезроқ ва энг асосийси дастлабки фаолиятни бошлаш учун кам сармоялар талаб этади.

Мамлакатимиз иқтисодиёти ривожланишининг ҳозирги босқичида сервис хизматлари сони ва сифатига қўйилаётган талаблар кундан-кунга ошиб бормокда. Ривожланган давлатлар тажрибасининг қўлланилиши хизматларга бўлган талабнинг ошишига олиб келди. Бу ўз навбатида, истеъмол бозори таркибида ўзгаришларни вужудга келтирди. Аҳолининг айрим қатламлари моддий фаровонлиги ошиши натижасида хизматларга ўзларининг талаб ва эҳтиёжлари мавжуд бўлган истеъмолчиларнинг янги категорияси вужудга келди. Моддий жиҳатдан таъминланган истеъмолчилар ўзларининг ҳаётий қулайликларини оширишни таъминлайдиган турли ассортиментдаги хизматларга катта талабгор ҳисобланишади. Шу сабабли айрим хизмат кўрсатиш корхоналари ўз фаолиятини айнан аҳолининг ушбу талаб ва эҳтиёжларини қондиришга қаратадилар.

Ҳозирги шароитда амалга оширилаётган ислохотлар миллий иқтисодиёт самарадорлигини оширишга қаратилиши лозим. Унинг таркибий қисми ҳисобланган хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш аҳолини хизмат сифатини ошириш унинг турли хилдаги талабларини қондириш муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади.

Тадқиқотлар шундан далолат берадики, ҳозирги кунда сервис фаолияти билан шуғулланувчи корхона ва ташкилотлар ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар фаолияти давлат иқтисодиётига катта ҳисса қўшмоқдалар.

XX асрнинг сўнгги йилларида ривожланган мамлакатларда келгуси тараққиётнинг глобал қарашлари тўғрисида тасаввурлар шакллана бошлади. Жамиятда инсонлар турмуш даражасини яхшилашнинг зарурлигидан келиб чиқиб, хорижий ва мамлакатимиз олимлари инсонларни ўртача ҳаёт тарзини таъминлаш ҳамда аҳолининг моддий жиҳатдан табақаланиши фарқини қисқартиришга илмий жиҳатдан кўпроқ эътибор қаратмоқдалар. Шунингдек, улар ҳозирги ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг бош мақсади сифатида «турмуш сифати» масаласининг тадқиқоти бўйича кўпроқ фикр юритмоқдалар.

Бугунги кунда мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ри-вожланишининг жорий ва истикболдаги чора-тадбирларини белгилашда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларининг таъсирини ҳар томонлама ҳисобга олишимиз, иқтисодий ривожланиш дастурларини ушбу жараёнлар таъсири нуқтаи назаридан шакллантириш ва уларни изчил амалга оширишни тақозо этади. Шу нуқтаи назардан, Президентимиз И.А.Каримовнинг «Жаҳон молиявий- иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарида Ўзбекистон учун инқирозни бартараф этиш ва жаҳон бозорида янги марраларга чиқишнинг ишончли йўли сифатида 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг қуйидаги энг муҳим йўналиши: «таркибий ўзгартиришларни давом эттириш ва иқтисодиётни дивер-сификациялаш, буни биринчи навбатда, халқаро сифат стандартларига жавоб берадиган, ички ва ташқи бозорларда талаб юқори бўлган рақобатбардошли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш йўли билан амалга ошириш»¹ белгилаб берилган ва бу қоидага бугунги кунгача риоя этиб келинмоқда.

¹ Каримов И. «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари» номли асарини ўқиш бўйича ўқув қўлланма. –Т.: «Иқтисодиёт» нашр, 2009. –б. 6.

1.4-жадвал

Ўзбекистонда 2011-2014 йилларда хизматлар турларининг яратилиши

(млрд. сўмда)

Кўрсаткичлар	2011 й.	2012 й.га нисба- тан, %	2013 й.	2011 й.га нисба- тан, %	2013 й.	2012 й.га нисба- тан, %
Жами хизматлар ҳажми	20082,7	121,3	28079,3	110,8	31785,8	113,4
Шундан: савдо ва умумий овкатланиш	3462,6	126,8	5007,1	111,2	5793,2	115,7
Транспорт	6691,3	112,7	9366,3	106,2	10031,3	107,1
Алоқа ва ахборотлаштириш	1388,1	140,1	1581,1	118,2	2039,6	129,0
Молиявий хизматлар (микро-кредитлар ажратиш хизмат-лари)	1423,4	132,2	2227,6	119,9	2731,0	122,6
Туристик сайёҳлик хизмат-лар	45,9	126,3	46,1	101,7	46,8	112,7
Мехмонхона хизматлари	63,8	122,5	88,1	107,3	95,9	109,0
Коммунал хизматлар	2751,8	108,4	3862,1	101,8	3827,4	99,1
Маиший хизматлар	359,2	129,0	452,7	120,1	5513,7	121,8
Автомобиль ва бошқа техни-каларни таъмирлаш	183,7	139,2	262,1	121,3	326,1	124,4
Бошқалар	3712,9	130,6	5268,1	117,6	6348,0	120,5

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Ҳозирги даврда дунё мамлакатлари ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ўзининг маъно ва мазмуни жиҳатидан олдинги босқичлардан кескин фарқ қилади. Иқтисодий ўсишнинг янгича талқини жаҳон иқтисодиёти фанида

замонавий, концептуал ёндашувларни талаб этмоқда. Хусусан, сервис иқтисодиётида самарали фаолият индустриал фаолиятга нисбатан бирмунча кенгроқ тадқиқ этилганки, бунда биринчи навбатда ижтимоий йўналтирилган фаолият жамиятда аҳоли турмуш даражаси ва сифатини таъминлашга қаратилганлиги билан изоҳланади.

Фикримизча, хизматлар бозорининг қарор топиши билан тавсифланадиган самарали фаолият мазмунида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Хизмат кўрсатиш иқтисодиётида хўжалик юритувчи субъектлар биринчи навбатда самарадорликни оширишга, яъни мижозларнинг хусусий (шахсий) талабларини тўлиқроқ қондиришга ўз эътиборларини қаратадилар. Индустриал иқтисодиётда эса диққат-эътибор кўпроқ маҳсулотларни максимал ишлаб чиқаришга қаратилади.

2. Хизмат кўрсатиш иқтисодиётида фойдалилик тушунчаси товарлардан фойдаланиш тавсифи билан бир хил бўлиб, бунда моддий маҳсулот ва хизматлар тизимининг қанчалик такомиллашганлигини белгилайди. Индустриал иқтисодиётда эса фақат маҳсулотнинг моддий томони эътиборга олинади.

3. Хизмат кўрсатиш иқтисодиётида сифат асосида ишлаб чиқарувчининг истеъмолчини максимал эҳтиёжини қондиришга бўлган муносабатини доимо назорат қилиш ва белгилаш лаёқати тушунилади. Индустриал иқтисодиётда эса сифат асосида фақат фаолият юритувчининг «ўз ишини яхши бажариш» қобилияти тушунилади.

4. Хизмат кўрсатиш иқтисодиётида менежмент тизими ҳам ўзгариб боради. Унинг асосий хусусияти сифатида эгилувчанлик, тезлик билан қарорларни қабул қилиш, ташкилий жиҳат, эркин ҳаракат қилиш ва ошқоралик ҳисобланса, индустриал иқтисодиётда эса менежмент «механик» хусусиятга эга, яъни тузилмаларнинг поғонали ва уларнинг ортиқ даражада тартибга солиши билан аниқланади.

5. Хизмат кўрсатиш иқтисодиётида асосий эътибор хизмат кўрсатиш тизими шаклланишининг самарадорлигига қаратилса, индустриал иқтисодиётда эса хомашёни тайёр маҳсулотга айланишига асосий эътибор қаратилади.

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, хизмат кўрсатиш иқтисодиётида самарали фаолият юритиш анъанавий (индустриал) иқтисодиётдаги самарали фаолиятдан тубдан фарқ қилади ва у кўпроқ ижтимоий йўналтирилганлик хусусиятига эга.

Шундай экан, ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган мамлакатларда хизмат кўрсатиш иқтисодиётини ривожланиб бориши ижтимоий-иқтисодий тараққиётни янгича талқин қилишга олиб келмоқда. Хусусан, нафақат миқдорий ўсиш суръати, балки ижтимоий кўрсаткичлар, ҳаёт сифати кўрсаткичлари унда асосий аҳамият касб этмоқда. Бундай шароитда самарали фаолият деганда жамият аъзоларининг эҳтиёжларини, биринчи навбатда ижтимоий йўналтирилган мақсадларни қондиришга қаратилиши тушунилади. Индустриал иқтисодиётда кўпроқ миқдорий, иқтисодий ва устувор мақсадлар назарда тутилади.

Хизмат кўрсатиш иқтисодиётининг юқорида таъкидланган хусусиятларини инобатга олган ҳолда унинг индустриал иқтисодиётдан фарқ қилувчи асосий жиҳатлари қуйидаги 1.5-жадвалда келтирилган.

1.5 –жадвал. Индустриал ва хизмат кўрсатиш иқтисодиётининг фарқ қилувчи асосий белгилари*

Асосий белгилар	Иқтисодиёт турлари	
	Индустриал иқтисодиёт	Хизмат кўрсатиш иқтисодиёти
Иқтисодиётнинг етакчи тармоғи	Саноат	Хизмат кўрсатиш
Ишлаб чиқаришнинг	Капитал	Билим ва ахборотлар

асосий ресурси		
Иқтисодий ўсиш Мазмуни	Микдорий (оммавий ишлаб чиқаришнинг микдорий кўрсаткичлари билан ўлчанади)	Сифатли, ижтимоий йўналтирилганлиги (турмуш сифати кўрсаткичи билан ўлчанади)
Самарали фаолият Йўналиши	Минимал сарфлар ҳисобига максимал оммабоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконияти	Жамиятда турмуш сифатини ошириш, ижтимоий мақсадларга йўналтирилган эҳтиёжларни максимал даражада қондириш имконияти

Изоҳ: Муаллиф ишланмаси.

Умуман, хизмат кўрсатиш иқтисодиётининг назарий асосларини кўриб чиқиш орқали шуни қайд этиш лозимки, бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда рўй бераётган хўжалик юритиш шароитларининг ўзгариши самарали фаолият категориясини кенгроқ ташкил этишни талаб этади. Самарадорлик категориясига янгича ёндашув хориж иқтисодиёти фанида тобора оммалашиб бормоқда. Бу ёндашувда самарали фаолият мазмунига соф микдорий нуқтаи назардан эмас, балки сифат жиҳатидан натижаларга эришиш мумкинлиги таъкидланади.

1.2. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ

Сўнгги йилларда республикада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қуватлаш ва рағбатлантириш борасида ҳукумат томонидан амалга оширилаётган изчил тадбирлар, хизмат соҳасидаги алоҳида олинган тармоқларини ривожлантириш бўйича қабул қилинаётган қатор дастурий йўналишлар хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини, шунингдек

маиший хизмат кўрсатиш соҳасининг юқори суръатлар билан ривожланишига олиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 майдаги «Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини 2006-2010 йилларда ривожлантириш ҳақида»ги ПҚ-325-сонли, 2007 йил 21 майдаги «Ўзбекистон Республикасида 2010 йилга қадар хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳақида»ги ПҚ-640-сонли қарорлари бунга яққол мисол бўла олади. Хусусан, республикада 2010 йилга қадар хизматлар ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар ҳақидаги қарорда қуйидаги асосий йўналишлар белгилаб берилган:

- хизматлар кўрсатиш соҳасида тадбиркорликнинг фаолиятини янада кучайтириш учун қулай шарт-шароит яратиш;

- 2015 йилгача хизматлар ҳажмининг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 49 фоизга етказиш;

- қишлоқ жойларда истиқомат қилаётган аҳолига кўрсатилаётган хизматлар турларини кўпайтириб бориш;

- анъанавий хизмат турлари билан биргаликда янги истиқболли – юридик, консалтинг, банк, молия, суғурта, лизинг ва баҳолаш хизмат турларини жадал ривожлантириш;

- мамлакатимиз корхоналарининг халқаро бозордаги хизматлари даражасини ва сифатини ошириш ҳамда шу асосда хизматлар экспортини кўпайтириш;

- хизматлар ва сервис соҳасида ишлайдиган кадрларни тайёрлаш ва улар малакасини оширишни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш.

Аҳолига кўрсатилаётган маиший хизматлар таркибида замонавий хизмат турлари устувор равишда ривожланмоқда. Маиший хизматларнинг умумий ҳажмида енгил автомобилларни таъмирлаш ва техникавий созлигини аниқлаш хизмати улуши 14,1% ни, мураккаб турдаги техникавий жиҳозларни таъмирлаш 10,6% ни, яқка тартибдаги уй-жойларни қуриш, уларни ва кўп

каватли турар жойларни таъмирлаш хизматлари 12% ни, аҳоли юкларини ташиш транспорт хизмати 12,4% ни, сартарошхона хизматлари 5,6% ни ташкил этади.

Шу билан бирга, айти пайтда мазкур тармоқни ривожлантиришда мавжуд имкониятларидан ҳали тўлиқ фойдаланилмаётганлигини таъкидлаш лозим.

Қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатиш тизими ҳам ҳозирги вақтда ўсиб бораётган талабларга жавоб бермаяпти. 2014 йилда жами хизматлар ҳажмининг 26,8 фоизи қишлоқ аҳолисига тўғри келди, ёки ҳар бир қишлоқ аҳолисига кўрсатилган хизматлар ҳажми шаҳарликларга нисбатан 5,1 маротаба кам бўлди.

Бундан ташқари янги хизмат турлари, жумладан, тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай муҳит яратишда зарур бўлган молиявий, лизинг, консалтинг, юридик ва бошқа хизматлар етарли даражада ривожланмаяпти. Туристик хизмат кўрсатиш соҳасида беқиёс имкониятлар мавжуд бўлишига қарамай ушбу соҳа ўта секин ривожланмоқда. Бунга ҳудудлар бўйича туристик хизматларни кўрсатувчи тизимнинг яратилмаганлиги, ички туризм рекламалари ривожланмаганлиги, республика ичидаги туристик йўналишлар (маршрутлар) аҳолига маълум эмаслиги тўсқинлик қилмоқда.

Президент қарорида берилган катта имтиёзлар, жумладан Болалар спорт иншоотларида кўрсатиладиган пуллик спорт хизматлари даромадидан олинадиган солиқ ва якка тартибдаги солиқ тўловларидан 3 йилгача озод қилинганлигига қарамай, қишлоқларда ушбу хизмат тури умуман ривожланмаяпти. Ҳисобот йилида Республикада 203 та янги қурилган ва таъмирланган Болалар спорт комплексларининг 75% қишлоқ жойларда фойдаланишга топширилганлигига қарамай, уларда кўрсатилган хизматлар ҳажми қисқариб бормоқда.

Шу сабабли ҳукуматимиз томонидан хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни тўғрисида қабул қилинган қарорда хизматлар ҳажмининг ўсиш даражасини юқори кўрсаткичларда белгилаб берилди.

2014 йилнинг ўзида 1389 та янги маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ташкил этилди. Ушбу шаҳобчаларнинг асосий қисми қишлоқ жойларда ташкил этилди.

Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш бўйича ҳудудий дастурларни тубдан қайта кўриб чиқиш ва қишлоқ жойларда уларни аҳоли, айниқса, ёшлар бандлигининг, қишлоқда ҳаёт даражасини оширишнинг муҳим омили сифатида жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар кўриш зарур.

Бу борадаги энг асосий вазифа вазиятга тадбиркор нуқтаи назаридан қараш, яъни унга ўз ишини ривожлантириш учун нима тўсқинлик қилаётгани ва давлат томонидан қандай ёрдам кераклигини аниқлаш лозим. Хусусий секторга қишлоқ жойларда кўрсатилаётган хизматлар турларини кенгайтириш учун зарур шарт-шароитларни яратишга ҳам алоҳида аҳамият бериш даркор.

II бoб. ХИЗМАТЛАР БОЗОРИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

2.1. Хизмат кўрсатиш корхоналари фаолияти самарадорлигини ошириш йўллари

Бозор муносабатлари ривожланиши шароитида хизмат кўрсатиш соҳасини ташкилий-иқтисодий жиҳатдан тўғри шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Агар ушбу соҳанинг ривожланиши ташкилий жиҳатдан оптимал ва хизматлар бозори конъюнктурасига нисбатан эгилувчан бўлса, хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлиги шунчалик юқори бўлади. Хизмат кўрсатиш соҳасида меҳнат фаолиятини ташкил этишни тўғри йўлга қўйиш миллий иқтисодиёт микёсида бир қатор ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни бартараф этишга сабаб бўлади. Масалан, соҳани ривожлантириш борасида аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш, хизматчиларни ишбилармонлик фаоллигини ошириш, кўрсатилаётган хизматларни тезкор ташкил этилиши ва бошқаларни яхшиланишига сабаб бўладиги, буларнинг барчаси охир-оқибатда мамлакат аҳолиси турмуш даражаси ва сифатини оширишга олиб келади.

Хизмат кўрсатиш соҳасида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёни таркибий қисмларининг мураккаблиги ва хилма-хиллиги, уларнинг бажарилиш тадбирларини мустақил танлаш, ҳисоблаш, лойиҳалаштириш ва мувофиқлаштириш имкониятлари меҳнатнинг мазмунига муҳим ўзгаришлар киритади.

Хизмат кўрсатиш корхоналарида ходимлар меҳнат фаолиятининг энг самарали бўлишини таъминлаш мақсадида хизмат кўрсатиш жараёнларини ўрганиш, такомиллаштириш ва ҳар томонлама асосланган хизмат кўрсатиш нормаларини ишлаб чиқиш ва иш вақтидан унумли фойдаланиш асосида меҳнат унумдорлигини ўстириш имкониятини аниқлаш зарур. Бироқ, меҳнат унумдорлигини оширишни секинлаштирувчи ва тўхтатувчи омиллар бозор муносабатлари ривожланишининг ҳозирги шароитида ҳам мавжуд.

Чунки хизмат кўрсатаётган корхоналар харажатларини тўхтовсиз камайтириш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳажмини кўпайтириш билан эмас, балки ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулотлар ёки кўрсатаётган хизматлар камчилигидан, танқислигидан фойдаланиб, уларнинг баҳоларини ошириш эвазига режалаштирилган миқдорда даромад олишга эришмоқдалар. Бундай ҳол, ўз навбатида, нафақат бошқариб бўлмайдиган инфляция жараёнининг янада ривожланишини кучайтиради, балки ҳар томонлама илмий асосланган хизмат кўрсатиш нормаларини кенг жорий этиб, хизмат кўрсатиш жараёнини ташкил қилиш ва бошқариш харажатларини қисқартиришга умуман имкон бермайди.

Ҳозирги шароитда ишчилар фаолиятининг меҳнатдаги буюмлашган элементлари билан ўзаро алоқасини ўрнатибгина қолмай, ўзаро ҳамкорликдаги фаолият қатнашчилари бўлган «инсон-техника» ўртасида меҳнат муносабатларини шакллантириш, жонли меҳнат самарадорлигини ошириш каби муаммоларни ечиш зарур бўлмоқда¹.

Фикримизча, хорижий мамлакатлар хизмат кўрсатиш соҳасининг ташкилий тузилиши хизматлар бозори ташкилий тузилмасининг тадқиқоти орқали республикамызда хизматлар бозорининг ташкилий тузилмасини қуйидагича таснифлашимиз мумкин:

- амал қилиш механизмлари бўйича (воситачилик молиявий, ахборот-технологик, ҳуқуқий, маркетинг);
- мулк шакли бўйича (хусусий, кооператив(жамоа), давлат, ижтимоий, хорижий);
- кўрсатиладиган хизматлар кўлами бўйича (халқаро, миллий, ҳудудлараро, ҳудудий, маҳаллий);
- кўрсатиладиган хизматлар турлари ва йўналишлари бўйича: ишбилармонлик хизматлари (молиявий, суғурта, кредит хизматлари), тақсимот хизматлари (савдо, умумий овқатланиш), ижтимоий хизматлар (таълим, соғлиқни сақлаш, жисмоний маданият, ҳуқуқий хизматлар).

¹ Абдурахимов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти (дарслик). – Т.: Меҳнат, 2009. 91–92 -б.

Кўпчилик хорижий иқтисодчи олимлар хизмат кўрсатиш соҳасининг таркибий тузилишини унинг тармоқ белгилари ва ривожланиш нуқтаи назаридан таснифлашни таклиф этадилар. Фикримизча, ушбу соҳани ташкилий-иқтисодий нуқтаи назардан таснифлаш мақсадга мувофиқдир.

Бундай ҳолда қуйидагиларни алоҳида ажратиб кўрсатиш зарур:

- ахборот-тижорат инфратузилмаси (маркетинг марказлари, реклама агентликлари, ахборотларни тўплаш ва қайта ишлаш марказлари ва ҳ.к.);
- иқтисодий-ҳуқуқий инфратузилма (судлар, ҳуқуқий маслаҳат марказлари, адвокатлик ва нотариал идоралар ва ҳ.к.);
- молиявий-кредит инфратузилмаси (тижорат банклари, кредит, суғурта ва кафолат ташкилотлари);
- савдо, воситачилик инфратузилмаси (ярмаркалар, биржа, савдо уйлари, тижорат марказлари ва ҳ.к.).

Хизмат кўрсатиш соҳаси самарадорлигини таъминлашда юқорида таъкидланган таснифлар муҳим аҳамият касб этади. Аммо, мамлакатимиз иқтисодий сиёсатида хизматлар салмоғини оширишга қаратилган ислохотлар ушбу хизмат соҳаларини янада ривожлантиришни талаб этади. Масалан, хизматлар турлари сифатида савдо уйлари, ташкилотлари, ярмаркалар, озиқ-овқат ва ноозик-овқат маҳсулотлари реализациясига ҳамда уларни ишлаб чиқарувчиларини самарали фаолиятига ижобий таъсир кўрсатади. Аммо, хизматлар махсус товар сифатида уни кўрсатувчиларга ўзига хос талабларни бажаришни талаб этади. Ушбу фикрнинг тасдиғи сифатида ярмаркаларнинг ўрни ва ролини мисол қилиш мумкин. Кейинги вақтларда хизмат соҳасининг савдо-воситачилик таркибий тузилмаси сифатида уларнинг роли жаҳон тажрибасида бирмунча пасайиб бормоқда. Етакчи ўринга хизматлар бозори таркибида ушбу бозорнинг ҳолати ҳақида ишлаб чиқарувчилар ва хизмат истеъмолчилари ҳақидаги ахборотларни тўплаш ва қайта ишлаш зарур.

Сирдарё вилоятида хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарининг фаолияти таҳлили шундан далолат бермоқдаки, пуллик хизматлар кўрсатиш ташкилий жиҳатдан етарли даражада ривожланмаган, хусусан, молия-кредит

хизматлари инфратузилмаси тўлиқ шаклланмаган. Сирдарё вилоятида банк тизимидан ташқари молия-кредит ташкилотлари, кредит, кафолат, суғурта, ассоциациялар етарли даражада шаклланмаган ҳамда уларнинг ташкилий механизмлари ишлаб чиқилмаган. Ваҳоланки, фикримизча тадбиркорлар, ишбилармонлар, хўжалик юритувчи субъектлар, алоҳида шахслар фаолияти учун ушбу хизмат муҳим аҳамиятга эга.

Маълумки, ҳозирги вақтда тижорат банклари хизмат соҳасида фаолият юритаётган кичик ва хусусий тадбиркорларга камдан-кам ҳолатларда кредитлар ажратишади. Бундай ҳолатнинг сабаби, хизмат кўрсатиш корхоналарида молиявий операциялар ҳажмининг камлиги, кредит учун зарурий кафолатларни бера олмасликлари ҳамда ушбу корхоналарни барқарорлик масалалари билан изоҳланади.

Шунинг учун ҳам, хизмат кўрсатиш корхоналарини қўллаб-қувватлаш учун ташкил этиладиган турли хил ташкилотлар уларнинг фаолият кўламини молиявий, моддий ва бошқа кўмаklar ёрдамида кенгайтиришларига имкон яратади. Ҳозирги вақтда Сирдарё вилоятида хизмат кўрсатиш корхоналари фаолияти ривожланаётган бўлса-да, тўғридан-тўғри улар фаолиятини кредитловчи, мувофиқлаштирувчи ва бошқа кўмаklarни берувчи ташкилотлар мавжуд эмас.

Демак, фикримизча, ҳозирги вақтда хизмат кўрсатиш корхоналари ассоциациясини ташкил этиш хизматлар соҳаси самарадорлигини таъминловчи муҳим ташкилий таркиб ҳисобланади. Унинг таркибига миждозларга комплекс хизмат кўрсатишни (барча хизматларни кўрсатишни) ташкил қилиш мумкин.

Хизмат кўрсатиш корхоналари фаолияти самарадорлигини оширишнинг яна бир ташкилий механизмларидан бири – соҳа учун хизмат қиладиган ахборотлар тизимидир. Мазкур тизим ўз ичига, қуйидагиларни қамраб олади: реклама агентликлари, маркетинг хизмати марказлари, доимий ёки кўчиб юрувчи кўргазмалар, ахборот воситалари ва электрон алоқа тизимлари ва бошқалар. Фикримизча, хизмат кўрсатиш соҳасида ахборот

таъминотини янада ривожлантириш аҳолини хизматларга бўлган тўлов қобилиятини тўла қондириш, ушбу соҳани ўсиш динамикасини баҳолаш, кўрсатиладиган хизматлар сифати ва самарадорлигини яхшилашга имконият яратади. Бунинг учун вилоят миқёсида хизматларга бўлган талабни ўрганиш бўйича махсус хизмат- Маркетинг марказларини ташкил этиш керак. Ушбу ташкилий тузилма қуйидаги фаолият йўналишларини ўз ичига олади:

- янги хизмат турларга бўлган талаб ва таклифни ўрганиш бўйича илмий- амалий қўлланмаларни ишлаб чиқиш;
- хизматларга эҳтиёж сезаётган субъектлар учун вилоят миқёсида хизматлар конъюнктураси учун ҳисоботлар, буклетлар, маърузалар тайёрлаш;
- кўрсатиладиган хизмат сифатини аниқлаш учун сўровномалар, социологик тадқиқотлар ўтказиш;
- хизматлар соҳасидаги муаммоларни ечиш бўйича ижтимоий тадбирлар, ярмаркалар ва кўргазмаларда иштирок этиш.

Хизмат кўрсатиш бозорлари ахборот таъминотини таъминловчи муҳим ташкилий бўғин - реклама фаолиятидир. Унинг ушбу соҳа учун аҳамияти хизматлар ҳақидаги маълумотларни турли хил шаклларда омма орасида тарқатишдан иборат, шу билан бир қаторда реклама нафақат ахборот манбаи, балки у хизматларга янги эҳтиёжлар ва аҳолини тўлов қобилиятини рағбатлантирувчи муҳим ташкилий механизмдир.

Ҳозирги кунда хизмат кўрсатувчи корхоналар ўз реклама хизматларини ташкил этиш имкониятига эга эмаслар, чунки уларнинг бу мақсад учун на молиявий, на моддий имкониятлари мавжуд. Шунинг учун, вилоят миқёсида хизмат турларини тарғибот қилувчи хизмат кўрсатиш корхоналари ва истеъмолчилар ўртасида шартномалар тузувчи, махсус буюртмалар билан ишловчи махсус реклама агентликларини тузиш лозим.

Хизматлар бозори муқобил тарзда ривожланиб бораётган таркибий элементлардан яна бири – уларнинг ярмарка ва кўргазмаларидир. Ҳозирги вақтда улгуржи ярмарка ва кўргазмаларнинг вазифалари тубдан ўзгариб

бормокда. Бу ўзгаришлар хизматлар фаолияти самарадорлигини реал тарзда оширишга йўналтирилгандир.

Хизмат кўрсатиш соҳасида ахборот оқимини моддий-техник асосини таъминлаш ўз таркибига телефон, телекс, факсимал алоқа, спутник алоқаси, компьютер марказларини қамраб олувчи ахборот ва алоқа воситаларини ташкил этади. Ахборот марказлари ва алоқанинг хизмат кўрсатиш соҳасини такомиллаштиришдаги хусусиятларидан бири, улар асосида ишлаб чиқарувчилар ва хизмат кўрсатувчилар ўртасида муваққат равишда алоҳида ахборот таъминотига эга бўлиш имкониятини юзага келтиради ҳамда уларнинг ахборотга эга бўлиши бўйича бир-бирига боғлиқлик бўлмайди. Бу ҳол хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг фаолияти самарадорлигини таъминлайди.

Хизмат кўрсатиш бўйича ахборотларни тўплаш, қайта ишлаш ва уларни етказиб беришни такомиллаштиришдан келадиган самара трансакцион харажатларни камайтиришда, хизматлар кўрсатиш самарадорлигини оширишда, моддий-техник таъминотни яхшилашда, молиявий ресурслар айланишини жадаллаштиришда намоён бўлади. Фикримизча, ҳозирги вақтда хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқлари ҳақида ахборот ресурслари бўйича маълумотлар банкини яратиш, уларнинг базавий тўпламини ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, соҳанинг ривожланишини истиқболлаштириш йўналишларини тадқиқ этишда манба ҳисобланади. Бунинг учун ҳудудий даражада (Сирдарё вилоятида) хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари фаолиятини мувофиқлаштирувчи махсус ташкилий тузилмани шакллантириш керак (2.1-расм).



2.1.-расм. Хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятларини мувофиқлаштириш ва тартибга солиш.

Уларни ташкил этилиши бир томондан, кўрсатиладиган хизматларни ўз вақтида, самарали ва арзон бўлишини таъминласа, иккинчи томондан ҳудудий хизматлар бозорида хизматларга бўлган талаб ва таклиф ҳажмини аниқлаб, улар ўртасидаги мутаносибликни таъминлашга олиб келади. Унинг учун ҳудудий даражада маҳаллий бошқарув ҳокимиятнинг қўллаб-қувватлаши, ҳар томонлама кўмак бериши муҳимдир. Мазкур ташкилий тузилма таркибидаги хизмат кўрсатиш соҳасининг алоҳида тармоқлари ва йўналишлари бўйича мувофиқлаштирувчи ихтисослашган бўлимлар ташкил этиш лозим.

Масалан, ишбилармонлик хизматлари бўйича (молия, кредит, суғурта), таксимот хизматлари бўйича (савдо, умумий овқатланиш), ижтимоий хизматлар бўйича (соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва маданият, ҳуқуқий маслаҳат таълими), маиший хизматлар бўйича (ахборот-коммуникацион ва ҳоказо). Мазкур ихтисослашган бўлимлар функционал тузилмалар сифатида хизматлар бозорида хизмат кўрсатишнинг муайян соҳа ва тармоқларида бозор конъюнктураси ўзгаришларига қараб, самарали дастурни ишлаб чиқиш юзасидан керакли ахборотлар билан таъминланишининг ташкилий асоси бўлиб ҳисобланади. Шунингдек, функционал тизимлар фаолиятининг белгиланган масалалар бўйича мақсадидан келиб чиққан ҳолда, хизмат кўрсатиш соҳалари ва тармоқларини ривожлантиришнинг истиқболли режалари ишлаб чиқилиши мумкин. Яъни шунини эътироф этиш лозимки, вилоят (ҳудуд) миқёсида хизмат кўрсатиш корхоналари ҳақида керакли ахборот ресурсларининг қанчалик кўп бўлиши, улар фаолиятини ташкил этиш, бошқариш, мувофиқлаштириш шунчалик самарали бўлишини таъминлайди.

Мазкур мақсадни амалга ошириш учун кейинги йилларда бир қатор қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар ва давлат дастурлари қабул қилинган. Ушбу қонун ва меъёрий ҳужжатлар хизматлар бўйича ахборот ресурслари ва уларнинг маълумотлари банкини республикада ва вилоятларда ташкил

этиш ҳамда янада кенгайтириш хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият юритувчи хўжалик субъектлари фаолиятини тартибга солишга хизмат қилади.

Фикримизча, ҳудудий хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш давлат дастурини амалга ошириш бўйича ахборот таъминотини шакллантириш зарур. Бунга кўра, вилоятда фаолият юритувчи хизмат кўрсатиш субъектлари учун қуйидаги тадбирларни амалга оширишда маълумотлар банки муҳим роль ўйнайди:

- вилоят аҳолисига, корхоналарга, тадбиркорларга маълумотлар банки орқали уларнинг хизматлар ҳақида тўлиқ маълумотлар олиш имконини беради;

- вилоят миқёсида ахборот пунктларини очиш, жойлаштириш йўли билан жами аҳоли учун ахборотлардан фойдаланишга имконият яратади.

2.2-расм. Хизмат кўрсатиш корхоналари фаолияти самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизми элементлари.

Изоҳ: Муаллиф ишланмаси.

Ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш жараёнида ходим ҳолатининг ўзгариб боришига таъсир этувчи омиллар, бирор жараён таъсирида янгиладиган ёки ўзгарадиган сабаб ва ҳолатларга боғлиқ бўлади. Ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишнинг илмий-техник ва технологик тараққиёти меҳнат жараёнларида ходим ҳолатини ўзгартиришнинг далилий таъсир килувчи сабабидир. Техника-технологияга боғлиқ тарзда меҳнат ва хизмат кўрсатиш жараёнларини ташкил этиш ҳам узлуксиз ўзгариб боради. Масалан, хизмат кўрсатишдаги технологик жараён (қисқариши) меҳнат унумдорлиги ўзгаришига (ошишига) олиб келади. Бу ҳолат ходим меҳнатида интенсив фойдаланишни оширади ва меҳнатга талабчанликни пасайтиради. Шунингдек, меҳнат жараёнидаги ташкилий-техникавий омилларнинг таъсири меҳнат меъёрларини такомиллаштиришни талаб этади.

Ҳозирги вақтда хизматлар бозорида ахборотлар роли жиддий равишда ўсмоқда. Хизматлар кўрсатиш самарадорлигини ошириш учун ахборотларга юқори эҳтиёж ва ахборот жараёнларининг шиддатли ривожланиши корхоналарда унинг ташкилий бўлимларини яратишни биринчи ўринга олиб чиқади. Ҳақиқатан ҳам бундай ахборот тизимлари хизматларига талаб ҳудудий хизматлар бозорини қамраб олиш доирасигача кенгайиб боради.

Фикримизча, корхоналарда ахборотлаштириш бўлимлари қуйидаги таркибий қисмларни ўз ичига олиши зарур:

- хизматлар бозорида хизматларга бўлган талаб ва таклиф ҳақида бошланғич маълумотларни тўплаш;
- маълумотларни қайта ишлаш дастурини ишлаб чиқиш;
- мавжуд йиғилган ва тўпланган ахборотлар асосида маълумотлар базасини яратиш.

2.2. Хизматлар бозорини ривожлантиришнинг иқтисодий йўналишлари

Ҳозирги даврда мамлакатимиз реал секторида хизмат кўрсатиш ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг роли тобора ортиб бормоқда. Хусусан, 2014 йилда мазкур соҳанинг ЯИМ даги улуши 50,0 %ни ташкил этганлиги ёки 2013 йилга нисбатан унинг ҳажми икки баробарга ошганлиги кўрстади. Бу ҳол мазкур соҳани янада ривожлантириш учун унинг концептуал йўналишларини илмий жиҳатдан ишлаб чиқиш ва уни ривожлантириш йўналишларини белгилашни талаб этади. Чунки ҳозирги даврга келиб, нафақат кишилар ҳаётининг моддий жиҳатлари, балки иқтисодиётнинг барча тармоқлари ривожланиши, миллий иқтисодиётнинг самарадорлиги олдиндан амал қилиб келаётган ҳамда янгидан пайдо бўлаётган кўплаб турдаги хизматларга (ишлаб чиқариш ва ижтимоий хизматларга) боғлиқ бўлиб бормоқда.

Президентимиз И.А. Каримов таъкидлаганларидек: «бундай тармоқлар ташқи конъюнктурага ҳам, об-ҳаво шароитига ҳам боғлиқ эмас, яъни ташқи омилларнинг ўзгариши уларга таъсир кўрсата олмайди. Аини пайтда бу хизматлар ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг кўплаб турларига ички талабни оширади, шунингдек, истеъмол бозорида мутаносибликни сақлашда муҳим роль ўйнайди»⁷.

Хизмат кўрсатиш ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда
Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2007 йил 21 майдаги 640-сонли «Ўзбекистон Республикасида
2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва хизмат кўрсатиш соҳасини
ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар
тўғрисида»ги қарорлари билан тасдиқланган Давлат дастурининг қабул
қилиниши ва амалга оширилиши катта аҳамиятга эга бўлди. Унда
белгиланган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида хизмат
кўрсатиш ва хизмат кўрсатиш соҳаси тобора барқарор суръатлар билан

⁷ Президент И.А.Каримовнинг 2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29 январда бўлиб ўтган мажлисдаги маърузаларини ўрганиш бўйича ўқув–услубий мажмуа. –Т.; 2010, 122 – б.

ривожланиб бормокда. Аммо хизмат кўрсатиш ва хизмат кўрсатиш соҳасини мамлакатимиз иқтисодиётидаги ўрни ва аҳамияти мазкур соҳани янада такомиллаштиришни тақозо этади. Бу ҳол, ушбу соҳани ривожлантиришнинг назарий асосларини ишлаб чиқиш муҳимлигини белгилайди.

Фикримизча, ҳозирги вақтда хизмат кўрсатиш ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган концептуал йўналишларидан бири - илмий-техника тараққиётидир. Чунки илмий-техника тараққиёти, бир томондан кўрсатиладиган хизматларни такомиллаштиради, унинг сифати ва хизматлар ассортиментини кўпайтиради, иккинчи томондан, унга бўлган эҳтиёжларни қондириш имкониятини янада оширади. Масалан, тиббий хизматда техника ва технологияларнинг ривожланиб бориши билан ушбу соҳани физика, кимё, механика ва бошқа табиий фанлар билан узвий боғлиқлиги тобора кўчайиб ҳамда унинг сифати ва самарадорлиги ошиб бормокда. Кейинги вақтларда тиббиёт ташкилотларида лазер, компьютер технологияларининг қўлланилиши ушбу соҳани такомиллашиб бораётганлигидан далолат беради. Демак, илмий-техника тараққиёти ютуқларини хизмат кўрсатиш ва хизмат кўрсатиш соҳасига қўллашга эътиборни қаратишимизни янада кўчайтириш мақсадга мувофиқдир.

Илмий-техника тараққиёти ютуқларини хизмат соҳасига қўллаш орқали ушбу соҳада ихтисослаштиришни янада чуқурлаштириш имкониятига эга бўламиз. Фан-техника ютуқларини тиббиётга қўллаш орқали тиббий хизматларнинг янги турлари пайдо бўлиши ва ривожланиши таъминланади. Бу жараён хизмат кўрсатиш ва хизмат кўрсатиш соҳасининг бошқа тармоқларида ҳам кузатилмоқда. Яна шуни эътироф этиш лозимки, хизматлар кўрсатишда (ишлаб чиқишда) янги технологиялар ва техника ютуқларини қўллаш натижасида янги мутахассисликлар (касблар) пайдо бўла бошлайди. Демак, фан-техника тараққиёти ютуқларини хизмат соҳасига қўллаш ва улардан фойдаланиш ушбу тармоқда аҳоли бандлигини ошиб боришига ҳам сабаб бўлади.

Хизмат кўрсатиш соҳасида ихтисослашувнинг икки турини ажратиб кўрсатиш мумкин. Улардан биринчиси, шу соҳада ишлайдиган ишловчиларни хизмат кўрсатишнинг бир операциясини бажариши бўйича ихтисослашувидир. Ихтисослашувнинг бу тури асосан кўрсатиладиган хизматлар сарфини оширишга йўналтирилади. Ихтисослашувнинг иккинчи тури эса хизматлар ассортименти кенгайтиришга йўналтирилади. Ушбу йўналиш бевосита фан-техника тараққиёти ютуқларини хизмат соҳасига қўллаш билан узвий боғлиқдир. Бу ҳолат объектив ижтимоий-иқтисодий жараёндир.

Ихтисослашувнинг ривожланиб бориши хизматлар бозорида меҳнат сиғимини пасайтирувчи муҳим восита ҳисобланади. Хизмат соҳасида аҳоли бандлигининг ошиб бориши, уларни ихтисослашувини талаб этади, аммо хизматлар кўрсатиш жараёнида ишловчилар меҳнат сиғимини талаб этмайди, балки ихтисослашув таъсири натижасида хизмат турларини яратиш жараёнида сарфланадиган ялпи меҳнат сарфларни (жонли ва буюмлашган) пасайишига олиб келади. Демак, фикримизча, хизмат кўрсатиш соҳасида фан-техника тараққиёти ютуқларини қўллаш орқали ихтисослашувни кўчайтириш лозим. Чунки ҳозирги кунда амалга оширилаётган ислохотлар соҳанинг макроиқтисодий аҳамиятини янада ошириб юборади.

Хизматлар бозорини яратиш жараёнини интенсивлаштириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ушбу жараён хизматларни яратишда янги такомиллашган ва самарали технологиялардан фойдаланишни талаб этади. Бу ҳол эса, нафақат ишлаб чиқаришнинг (хизматлар яратишнинг) моддий буюмлашган омилидан фойдаланишни кенгайтиради, балки уларнинг сифатини ҳам ошириб боради. Шунингдек, хизмат кўрсатиш соҳасида хўжалик юритиш услубларини ҳам такомиллаштириб боради. Аҳолини хизматларга эҳтиёжларини тобора тўлиқроқ қондириб бориш, уларни яратиш учун моддий, меҳнат ва молиявий ресурсларга талаб ҳажмини ошиб боришига сабаб бўлади. Аммо, ресурслар бирмунча чеклангандир. Шунинг учун, соҳада ишлаб чиқариш натижаларига эришиш фақат илғор техника ва

технологияларни қўллаш, меҳнатни ташкил этишни яхшилаш ва соҳада банд бўлган ходимлар малакасини ошириш орқали эришилади.

Ҳозирги вақтда хизмат соҳасида туб ўзгаришлар рўй бермоқда, хусусан, турли машиналар, техника-технологиялар хизмат кўрсатишнинг ажралмас қисмига айланиб бормоқда. Фикримизча, бу жараён хизмат кўрсатиш соҳасини ривожланиб боришининг ўзига хос хусусиятидир. Машина ва механизмларни тобора такомиллаш-тирилиши, соҳада банд бўлганлар малакасини узлуксиз ошириб боришни талаб этади. Акс ҳолда, соҳа ходимлари замон талаби даражасидаги хизматларни кўрсата олмайдилар.

Хизмат кўрсатиш корхоналарининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини жадаллаштириш муаммоларини ҳал этиш иқтисодиётни модернизациялаш жараёнини хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият самарадорлигини ошириш борасида амалга оширилади. Шунга боғлиқ ҳолда ҳал этилаётган масалаларни илмий асослайдиган фикрлар ва тавсияларнинг аҳамияти ортади. Меҳнат унумдорлигининг ўсиши, хизмат кўрсатиш жараёнида меҳнат мазмунидаги чуқур ўзгаришлар, соҳани модернизациялашда қўл меҳнатининг сезиларли камайиши ва инсон омилига янгича ёндашув масалаларини ўз ичига олган иқтисодий самарадорликни ошириш бўйича стратегия ва тактикани ишлаб чиқиш муаммоларини ўрганувчи илмий тадқиқотлар, айниқса муҳимдир.

Фикримизча, хизмат кўрсатиш корхоналари ривожланиши учун уларда меҳнат шароитини яхшилашга эътиборни қаратиш зарурдир. Чунки мазкур жараёнда соҳада банд бўлган ҳар бир ходим ўзининг ишлаб чиқариш имкониятларини максимал даражада намоён этади. Шунинг учун ҳар бир хизмат кўрсатиш корхоналари миқёсида ишчи кучи сифати ва уни рағбатлантиришнинг ташкилий-иқтисодий моделини яратиш лозимдир.

Хизмат кўрсатиш корхоналари ривожланиши учун мақбул бўлган моделни ишлаб чиқишда жамиятда рўй бераётган жараёнларга оператив тарзда мослашишни талаб этувчи услубий ёндашув асос қилиб олинган

ҳамда унда рағбатлантириш механизмини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур рағбатлантириш механизми корхоналар фаолиятининг янги тенденциялари ва устувор йўналишларини қамраб олади ҳамда кўрсатилаётган хизматларни яратишда уларнинг рақобат-бардошлигини таъминлайди. Фикримизча, хизмат кўрсатиш корхоналарида ишчи кучи сифатини ривожлантириш стратегиясига эътибор қаратмаслик кадрлар таркиби муаммосини келтириб чиқаради ва соҳада нобарқарорликни юзага келтиради.

Хизматлар бозорини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган концептуал йўналишлардан бири бу хизмат кўрсатиш соҳасида малакали кадрлар билан таъминлаш муаммосидир, унинг ечимида қуйидагилар асосий стратегик вазифа бўлиб ҳисобланади:

- меҳнат жамоаларининг ижтимоий-иқтисодий барқарорлигини таъминлаш;
- ишловчиларнинг доимий равишда касбий маҳорати ва кўникмаларини ошириш;
- инсон капиталини инновацион ривожланишини таъминлаш.

Биринчи стратегик вазифа хизмат кўрсатиш корхоналарида ишловчи ходимларни зарур бўлган ижтимоий кафолатлар ва ижтимоий-иқтисодий барқарорликни таъминлашни кўзда тутати. Бунда кафолатланган иш ҳақи ишчи кучини такрор ишлаб чиқаришни таъминлайди, уларни шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини тўлиқроқ қондирилиши назарда тутилади.

Иккинчи стратегик вазифа эса ишловчиларнинг касбий маҳорати шаклланиши ва ривожланиши учун шароит яратишни кўзда тутати. Мазкур йўналишда асосий эътибор кадрлар касбий йўналтирилганлигига, уларни танлашга, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашга эътибор қаратилади.

Учинчи стратегик вазифа жаҳон стандартларига мос келувчи рақобатбардош маҳсулотлар, хизматлар кўрсатишни ташкил этувчи интеллектуал салоҳиятга эга ходимларни шакллантириш учун

инновацияларни талаб этади. Акс ҳолда, тўйинган бозор шароитида хизматлар бозорига кириб боришнинг имконияти бўлмайди.

Ҳозирги кунда иқтисодиётимизни модернизациялаш жараёнида хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятини янада ривожлантириш учун соҳада мутахассис-кадрларга талабни аниқлаш асосида уларни замонавий касбларга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга эътибор қаратиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки юқори техника ва технологияларни соҳанинг ривожланиб бораётган тармоқларида кенг жорий этиш, юқори малакали кадрларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш бўйича ўз вазифаларини бажаришлари учун катта талабларни қўяди. Бу эса корхона ва тармоқ доирасида зарур бўлган барча категориядаги кадрлар билан таъминлаш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш зарур.

Фикримизча, хизмат кўрсатиш соҳасида малакали кадрлар тайёрлаш билан боғлиқ тадбирлар қуйидагилардан иборат бўлиши керак:

- соҳада малака ошириш жараёнининг узлуксизлигини таъминлаш - ҳар бир ходим ўз малакасини ошириш орқали ўз имкониятларини тўлиқроқ намоён этади ҳамда бажарадиган хизматлар сифати ва самарадорлиги ортиб боради;

- ходимларнинг ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнида уларнинг бажарадиган меҳнاتини мақсадга йўналтирилганлигини таъминлашга эришиш учун ишлаб чиқаришни ташкил этиш, компьютерлаштириш, режалаштириш ва хизмат кўрсатишнинг бошқа масалаларини йўлга қўйишга, касбий кўникмаларни шакллантиришга эътибор қаратиш лозим;

- ишчи ва хизматчиларни иккинчи ёки ўриндош касб-хунарга ўргатишни ташкил этиш. Бунда хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлган ходимлар бир неча мутахассисликка ихтисослашиб, хизматлар бозори конъюнктурасига тез мослашади;

- ўрта махсус ва олий маълумотли мутахассисларни хизматлар бозоридаги янги хизмат турлари бўйича ихтисослашуви учун уларни қайта тайёрлаш.

Бозор муносабатлари ривожланиши шароитида хизмат кўрсатиш корхоналарини оқилона жойлашувини таъминлаш хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларида самарали ривожланишнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Бу жараён бир қатор масалаларни, яъни тармоқ учун йўналтириладиган моддий, молиявий, меҳнат ва бошқа ресурслардан фойдаланишни таъминлашга олиб келади. Аммо, кўп ҳолларда, илмий таҳлилларда, адабиётларда, бошқарув органларининг қарорларида алоҳида хизмат кўрсатувчи корхона ва ташкилотларнинг иқтисодий самарадорлигига, уларнинг оқилона жойлашувига (яъни, хизматларни яратишда меҳнат унумдорлиги, рентабеллик ва бошқа кўрсаткичларда) кўпроқ эътибор берилади.

Шунингдек, истеъмолчиларга қулай шароит яратиш, уларнинг бўш вақтларини ошириш ҳамда ҳудуд миқёсида хизмат кўрсатиш корхоналарини жойлаштириш ва ривожлантириш масалаларига ҳам кам эътибор қаратилган.

Шунинг учун макроиқтисодиёт миқёсида хизмат кўрсатувчи корхона ва ташкилотларни мақсадга мувофиқ ҳолда оқилона жойлаштириш бўйича илмий таҳлиллар ва тавсиялар орқали соҳадаги барча муаммоларни қамраб олишга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бу сервис соҳасини ривожлантиришдаги концептуал йўналиш макроиқтисодиёт даражасида иқтисодий ривожланиш босқичига мос тегишли хулоса ва таклифлар ишлаб чиқишни назарда тутди.

Макроиқтисодиёт даражасида хизмат кўрсатиш корхоналарини оқилона жойлашувида асосий эътибор йирик ҳудудий марказларнинг ижтимоий жараёнларини инобатга олган ҳолда, комплекс тармоқлар тизимини ташкил этиш ва жойлаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Макроҳудудий жойлаштиришнинг иккинчи даражаси сифатида туман миқёсида хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларининг оқилона жойлашувини

ташкил этишга эътибор бериш керак. Бунда қишлоқ ва шаҳар ўртасидаги тафовутни бартараф этишга қаратилган ижтимоий сиёсатнинг ролига алоҳида эътибор бериш зарур.

1. Бугунги кунда республикамизда хизмат кўрсатиш соҳасида шаклланган ташкилий-иқтисодий механизм хизматлар бозорида уларнинг фаолиятини тўлақонли назорат қилиш ва бошқаришни ташкил эта олиш имкониятига эга эмас. Шунинг учун ҳам хизмат кўрсатиш соҳаси ташкилий таркибини оптималлаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Сирдарё вилоятида хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари фаолиятини мувофиқлаштирувчи махсус ташкилий тузилмани шакллантириш керак.

Фикримизча, республикамизда хизматлар бозорининг ташкилий тузилмасини қуйидагича таснифлашимиз мумкин:

- амал қилиш механизмлари бўйича (воситачилик молиявий, ахборот-технологик, ҳуқуқий, маркетинг);
- мулк шакли бўйича (хусусий, кооператив(жамоа), давлат, ижтимоий, хорижий);
- кўрсатиладиган хизматлар кўлами бўйича (халқаро, миллий, ҳудудлараро, ҳудудий, маҳаллий);
- кўрсатиладиган хизматлар турлари ва йўналишлари бўйича: ишбилармонлик хизматлари (молиявий, суғурта, кредит хизматлари), тақсимот хизматлари (савдо, умумий овқатланиш), ижтимоий хизматлар (таълим, соғлиқни сақлаш, жисмоний маданият, ҳуқуқий хизматлар).

2. Кўпчилик хорижий иқтисодчи олимлар хизмат кўрсатиш соҳасининг таркибий тузилишини унинг тармоқ белгилари ва ривожланиш нуқтаи назаридан таснифлашни таклиф этадилар. Фикримизча, ушбу соҳани ташкилий-иқтисодий нуқтаи назардан таснифлаш мақсадга мувофиқдир.

Бундай ҳолда қуйидагиларни алоҳида ажратиб кўрсатиш зарур:

- ахборот-тижорат инфратузилмаси (маркетинг марказлари, реклама агентликлари, ахборотларни тўплаш ва қайта ишлаш марказлари ва ҳ.к.);

- иқтисодий-ҳуқуқий инфратузилма (судлар, ҳуқуқий маслаҳат марказлари, адвокатлик ва нотариал идоралар ва ҳ.к.);
- молиявий-кредит инфратузилмаси (тижорат банклари, кредит, суғурта ва кафолат ташкилотлари);
- савдо, воситачилик инфратузилмаси (ярмаркалар, биржа, савдо уйлари, тижорат марказлари ва ҳ.к).

3. Фикримизча, хизмат кўрсатиш соҳасида ахборот таъминотини янада ривожлантириш аҳолини хизматларга бўлган тўлов қобилиятини тўла кондириш, ушбу соҳанинг ўсиш динамикасини баҳолаш, кўрсатиладиган хизматлар сифати ва самарадорлигини яхшилашга имконият яратади. Бунинг учун вилоят миқёсида хизматларга бўлган талабни ўрганиш бўйича махсус хизматнинг маркетинг марказларини ташкил этиш керак. Ушбу ташкилий тузилма қуйидаги фаолият йўналишларини ўз ичига олади:

- янги хизмат турларига бўлган талаб ва таклифни ўрганиш бўйича илмий-амалий қўлланмаларни ишлаб чиқиш;
- хизматларга эҳтиёж сезаётган субъектлар учун вилоят миқёсида хизматлар конъюнктураси учун ҳисоботлар, буклетлар, маърузалар тайёрлаш;
- кўрсатиладиган хизмат сифатини аниқлаш учун сўровномалар, социологик тадқиқотлар ўтказиш;
- хизматлар соҳасидаги муаммоларни ечиш бўйича ижтимоий тадбирларда, ярмаркаларда, кўргазмаларда иштирок этиш.

4. Ҳозирги кунда хизмат кўрсатувчи корхоналар ўз реклама хизматларини ташкил этиш имкониятига эга эмаслар, чунки уларнинг бу мақсад учун на молиявий, на моддий имкониятлари мавжуд. Фикримизча, вилоят миқёсида хизмат турларини тарғибот қилувчи хизмат кўрсатиш корхоналари ва истеъмолчилар ўртасида шартномалар тузувчи, махсус буюртмалар билан ишловчи махсус реклама агентликларини тузиш лозим.

5. Фикримизча, ҳудудий даражада хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш давлат дастурини амалга ошириш бўйича ахборот

таъминотини шакллантириш зарур. Бунга кўра, вилоятда фаолият юритувчи хизмат кўрсатиш субъектлари учун қуйидаги тадбирларни амалга оширишда маълумотлар банки муҳим роль ўйнайди:

- вилоят аҳолисига, корхоналарга, тадбиркорларга маълумотлар банки орқали уларнинг хизматлари ҳақида тўлиқ маълумотлар олиш имконини беради;

- вилоят миқёсида ахборот пунктларини очиш, жойлаштириш йўли билан жами аҳоли учун ахборотлардан фойдаланишга имконият яратади.

3-Боб. Сирдарё вилоятида хизматлар бозорини ривожланганлик ҳолати таҳлили ва истиқболлари

3.1. Ҳудуд хизматлар бозорининг ҳозирги ҳолати таҳлили

Сўнгги йилларда республикада хизматлар бозорини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу соҳа кам харажат талаб этиши ва капиталнинг айланиш тезлиги юқорилиги билан ажралиб туради. Хизмат кўрсатиш соҳасининг тез суръатларда ўсишини таъминлаш мақсадида кўрилган чоралар мамлакатнинг барча ҳудудларида ижобий натижа бермоқда. Хусусан, 2014 йилда бозор хизматлари соҳаси ҳажми 2006 йилга нисбатан республика бўйича ўртача 2,8 марта ошди. Ушбу кўрсаткич бўйича етакчи ўринни Бухоро (3,9 марта), Сирдарё (3,7 марта), Самарканд (3,6 марта) вилоятлари ва Тошкент шаҳри (3,5 марта) эгаллади. Бунинг самараси ўлароқ, 2006-2014 йилларда республиканинг ялпи ички маҳсулот ҳажмида хизмат кўрсатиш соҳаси улуши 39, 5 фоиздан 53,0 фоизгача ўсди. Минтақаларнинг ялпи ҳудудий маҳсулотида хизмат кўрсатиш соҳаси улуши бўйича энг юқори кўрсаткичлар Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикасида қайд этилди.

2006-2014 йилларда алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари, банк-молия ва транспорт хизматлари каби хизмат кўрсатиш турлари жадал ривожланди. 2014 йилда хизмат кўрсатишнинг юқори технологияли турлари юқори суръатларда ривожланди. Хусусан, ўсиш молия хизматлари соҳасида 30,4 фоизни, компьютерда дастурлаш хизматларида 30,4 фоизни, қурилиш хизматларида 25,4, технологик асбоб-ускуналарни таъмирлаш ва уларга хизмат кўрсатишда 24,2 ва нихоят, маиший хизматлар соҳасида 23,2 фоизни ташкил этди. 2006-2014 йиллар давомида алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари хизматлари ҳажми 3, 8 марта ўсди.

Тошкент шаҳрида юқори ўсиш суръатларининг таъминланиши, биринчи навбатда, аҳолининг реал даромадлари ўсиши истеъмол

махсулотлари ишлаб чиқариш соҳалари ривожланиши билан боғлиқ. Сирдарё вилоятида эса қишлоқ хўжалиги техникаларини таъмирлаш, маиший, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги хизматлар каби хизмат турларининг ўсиши соҳа ривожланишининг асосий омили бўлди. Соҳанинг ўсиши Самарқанд вилоятида сайёҳлик, маиший хизматлар, таълим ва қишлоқ хўжалиги хизматлари ривожланиши, Бухоро вилоятида эса алоқа хизматлари қурилиш, соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги соҳасида кўрсатиладиган хизматлар ва бошқа хизмат турларини ривожланишини ҳисобига таъминланди.

Хизмат кўрсатиш ҳажми бўйича Наманган (3, 4 марта), Сурхондарё (3,3), Андижон (3, 1 марта), Тошкент (3, 0), Қашқадарё (2,9 марта), Қорақалпоғистон Республикасида (2, 8 марта) ўртача ўсиш суръатлари кузатилди.

Наманган вилоятида хизмат кўрсатиш кўрсаткичлари нисбатан юқори бўлди ва бунга маиший, транспортсайёҳлик ва меҳмонхона хўжалиги, автомобиллар ва бошқа технологияларни таъмирлаш хизматлари каби хизмат турларининг ривожланиши эвазига эришилди.

Андижон вилоятида хизмат кўрсатиш соҳасида ўсиш, асосан, молия, транспорт хизматлари, автомобиллар ва бошқа техникаларни таъмирлаш хизматлари бўйича юқори кўрсаткичларга эришиш туфайли таъминланди.

Сурхондарё вилоятида ўтган даврда маиший хизматлар, сайёҳлик, автомобиллар ва бошқа техникаларни таъмирлаш хизматлари, шунингдек, янги хизмат турлари-қурилиш, қишлоқ хўжалиги техникаларини таъмирлаш ва таълим хизматлари юқори суръатларда ривожланди. Тошкент, Қашқадарё вилоятларида ва Қорақалпоғистон Республикасида юқори кўрсаткичларга савдо, умумий овқатланиш хизматлари, молия, транспорт хизматлари, маиший хизмат, технологик асбоб-ускуналарни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш турлари жадал суръатларда ривожланиши ҳисобига эришилди.

Навоий вилоятида (2,5 марта) хизмат кўрсатиш соҳаси паст суръатларда ривожланиши. Асосан, алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари,

коммунал хизматлар сайёхлик ва таълим хизматлари соҳасида ўсиш кўрсаткичлари паст бўлганлиги билан боғлиқ.

Жиззах вилоятида (2,6 марта) сўнгги йилларда қишлоқ хўжалиги техникасини таъмирлаш, сайёхлик, коммунал хизматлар бўйича ўсиш суръатлари паст.

Хизмат кўрсатиш соҳасининг ўсиш динамикаси билан минтақалар бўйича киши бошига кўрсаткичлар хизматлар ўзаро таққосланганда, Самарқанд, Сирдарё, Андижон вилоятларида мазкур соҳа ривожланишида сезиларли номутаносиблик мавжуд экани кўринади.

Аҳоли жон бошига хизмат кўрсатиш ҳажми Тошкент шаҳри бўйича республиканинг ўртача кўрсаткичига нисбатан 3,6 марта кўп. Мамлакат бўйича умумий хизмат кўрсатиш ҳажмининг 28 фоизи пойтахтга тўғри келади. Навоий вилоятида 2014 йилда кўрсатилган хизматлар ҳажми аҳоли жон бошига ҳисоблаганда ўртача республика кўрсаткичидан 45, 3 фоизга юқори. Улар савдо, маиший хизматлар, технологик асбоб ускуналарни таъмирлаш ва бошқа хизматлар ҳисобига эришилди. Тошкент вилоятида ҳам хизмат кўрсатиш соҳаси ҳажми аҳоли жон бошига (1, 2 марта) бўлиб, бунга, сайёхлик, савдо, маиший ва транспорт хизматлари ривожланганлиги ҳисобига эришилган.

Бухоро вилоятида қурилиш, сайёхлик, соғлиқни сақлаш хизматлари, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги хизматлар ва бошқа хизмат турлари ривожланганлиги ушбу минтақада хизмат кўрсатиш соҳаси юқори суръатда ўсишининг асосий омили бўлди.

Аҳоли жон бошига тўғри келаётган бозор хизматлари кўрсатиш бўйича умумий республика кўрсаткичига нисбатан ўртача даражада ривожланган вилоятлар қаторига Андижон (66,8 фоиз), Сирдарё (65, 3 фоиз), Фарғона (64,7 фоиз), Самарқанд (63,6 фоиз). Қашқадарё (62,6 фоиз), Наманган (61,3 фоиз), Хоразм (61,8 фоиз), Жиззах (57,1 фоиз), Сурхондарё (54,5 фоиз) вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси (62,6 фоиз) киради.

Андижон вилояти аҳолисининг сони республика аҳолиси сонигаги 9, 2 фоиз улушни ташкил этади. Хизмат кўрсатиш соҳасининг республика хизмат кўрсатиш соҳаси хажмидаги улуши эса 5, 3 фоизга тенглиги қуйидаги жадвалда аксини топган.

**Минтақаларнинг аҳолиси сони ва хизмат кўрсатиш хажмлари
республика кўрсаткичларига нисбатан (2014 йил)**

№	Вилоятлар	Республиканинг хизмат кўрсатиш соҳаси умумий хажмида вилоятларнинг улуши	Республиканинг жами аҳолиси сонига вилоятларнинг улуши
1	Сирдарё	1,4	2,5
2	Навоий	3,7	3,0
3	Жиззах	2,0	4,0
4	Қорақалпоғистон Респ	3,1	5,7
5	Хоразм	3,2	5,7
6	Бухоро	5,2	5,8
7	Сурхондарё	3,6	7,6
8	Тошкент шаҳри	28,2	7,8
9	Наманган	4,4	8,2
10	Тошкент	9,4	9,0
11	Андижон	5,3	9,2
12	Қашқадарё	5,2	9,5
13	Фарғона	6,2	11,2
14	Самарқанд	6,2	11,3

Таҳлил натижаларига кўра, муаллиф томонидан тузилган.

Бундай мутаносибликка вилоятда технологик асбоб-ускуналарни таъмирлаш, компьютерда дастурлаш бўйича хизматлар ва транспорт хизматларининг нисбатан кам ривожланганлиги сабаб бўлмоқда.

Хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиш даражаси демографик салоҳиятга мос келмаслиги баъзи минтақаларда ҳам кузатилади. Масалан, Фарғона вилоятида қишлоқ хўжалиги соҳасидаги хизматлар (республика бўйича ўртача кўрсаткичдан 2,5 марта юқори) ва маиший хизматлар ривожланганлиги билан бир қаторда транспорт, алоқа, технологик асбоб-ускуналарни таъмирлаш ва сайёҳлик хизматлари бўйича паст кўрсаткичлар қайд этилган. Қашқадарё вилоятида эса сайёҳлик, транспорт, алоқа, технологик асбоб-ускуналарни таъмирлаш, сайёҳлик хизматлари етарлича ривожланмаганлиги билан боғлиқ. Тошкент вилоятида хизмат кўрсатиш соҳасининг умумий ҳажмида молия, сайёҳлик ва бошқа хизмат турлари улуши ортиб бормоқда.

Қатор минтақаларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун қулай шароит, тегишли инфратузилмани яратилганлиги боис, хизмат кўрсатиш соҳаси таркибида савдо ва умумий овқатланиш, транспорт, телекоммуникация, алоқа тармоқлари хизматлари, шунингдек, интернет тармоғидан жамоа бўлиб фойдаланиш, кабель ва эфир кабель телевидениеси хизматлари, рақамли технологиялардан фойдаланиладиган ахборот инфратузилмаси сезиларли даражада ўсди.

Хизмат кўрсатиш соҳаси таркибини таҳлил қилиш асосида республика минтақалари уч гуруҳга ажратилган. Биринчи гуруҳга Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Қашқадарё, Сирдарё, Фарғона ва Бухоро вилоятлари киради. Мазкур вилоятларда хизматлар умумий ҳажмида алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари, қурилиш хизматлари улуши юқори, технологик асбоб-ускуналарни таъмирлаш, молия ва транспорт хизматлари улуши эса нисбатан паст.

Иккинчи гуруҳга Андижон, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё ва Хоразм вилоятлари киради. Ушбу вилоятларда хизматлар таркибининг ўзига

хос томони шундаки, бу ерда хизматлар умумий хажмида савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизматлар улуши юқори. Қурилиш, транспорт, компьютерда дастурлаш ва таълим хизматлари улуши эса паст.

Учинчи гуруҳга Навоий, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳри кирган. Бу вилоятларда хизматлар умумий хажмида транспорт, молия ва технологик асбоб ускуналарни таъмирлаш хизматлари улуши юқори. Қишлоқ хўжалиги техникасини таъмирлаш ва қишлоқ хўжалиги хизматлари нисбатан суст ривожланган.

Минтақаларнинг хизмат турлари бўйича бундай табақалаштирилишига ҳудудларда саноат ривожланиши даражаси маълум даражада таъсир кўрсатган. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, саноати ривожланган (тоғ-кон саноатини инобатга олмаган ҳолда) Навоий, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳрида саноати яхши ривожланмаган Жиззах ва Сурхондарё вилоятларига нисбатан хизмат кўрсатиш соҳаси яхшироқ ривожланганини кўриш мумкин. Кейинги даврда қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда ҳам ижобий ўзгаришлар бўй бермоқда. Бу авваломбор, даромадлар ортиши, уй-жой қуриш ва ободонлаштириш хисобига қишлоқ аҳолисининг ҳаёт тарзи ўзгариши билан боғлиқ.

Қишлоқ жойларда кўрсатилган хизматлар улуши 2007 йилда 21,8 фоиздан 2014 йилда 42,4 фоизга ортиди. Шу даврда қишлоқ ҳудудларида хизматларнинг янги истиқболли йўналишлари-ахборот. Банк-молия, суғурта хизматлари жадал ривожланди. Бироқ Навоий вилоятининг қишлоқ жойларида мавжуд улкан имкониятларга қарамай, хизмат кўрсатиш соҳаси улуши паст. Бу ерларда янги хизмат кўрсатиш соҳаси объектларини яратиш, фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларини технологик жиҳозлаш учун имтиёзли кредит ресурсларини ажратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқиш талаб этилади.

Алоқа ва ахборотлаштириш хизматларидан фойдаланиш йирик шаҳар ва саноат марказларида кенг тарқалган, қишлоқ жойларда эса мазкур соҳа ривожланиши суст даражада. Сурхондарё, Қашқадарё, Андижон, Наманган,

Жиззах вилоятларида ва Қорақалпоғистон Республикасида сайёҳлик ва рекреацион салоҳият юқори бўлишига қарамай, сайёҳлик хизматлари жуда суст ривожлантирилган.

Қўрсатилаётган хизматлар самараси ва сифатини ошириш учун янги йўналишларни ривожлантириш, турли соҳаларда, айниқса, бухгалтерия ҳисоби, ахборотлаштириш, транспорт ва реклама хизматларида аутсорсингдан кенг фойдаланиш тавсия этилади.

3.2. Мамлакатимизда хизматлар бозорининг ривожланганлик даражаси ва истикболлари

Барчамизга аёнки, хизмат кўрсатиш соҳаси иқтисодиётимизни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим манбаи ва омили ҳисобланади. Жаҳон тажрибаси бугун айнан ушбу соҳа ялпи ички маҳсулотни шакллантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, одамларнинг фаровонлигини оширишда етакчи ўрин тутишини кўрсатмоқда.

2014 йилда бозор хизматлари кўрсатиш ҳажми 15,7 фоизга ўсди, уларнинг ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши эса 53 фоиздан 54 фоизга ошди. Бугунги кунда иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг 50 фоиздан ортиғи ушбу тармоқда меҳнат қилмоқда. Ҳар йили яратилаётган янги иш ўринларининг, авваламбор, касб-хунар коллежлари битирувчилари учун ташкил этилаётган иш ўринларининг учдан бир қисмидан кўпроғи айнан мазкур соҳа ҳиссасига тўғри келмоқда.

Бу борада хизматлар таркиби ҳам тубдан ўзгариб бораётганини таъкидлаш жоиз. Мобиль алоқа, юқори тезликда ишлайдиган интернет, кабелли телевизион алоқа, масофавий банк хизматлари, қишлоқ хўжалиги техникаси, автомобиллар ва технологик ускуналарни таъмирлаш ва уларга хизмат кўрсатиш каби замонавий юқори технологиялар асосидаги хизмат турлари аҳоли ўртасида тобора оммалашиб бормоқда.

Сўнгги беш йилда анъанавий маиший ва коммунал хизматлар улуши 16 фоиздан 9,5 фоизга тушди, юқори технологиялар асосидаги хизматлар улуши эса 21,2 фоизга қадар кўтарилди.

Юқори технологияларга асосланган хизматлар орасида кейинги йилларда алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари бошқа соҳаларга нисбатан жадал ривожланаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ушбу хизматлар ҳажми сўнгги беш йилда 3,3 баробар, ўтган йили эса 24,5 фоизга ўсди.

Иқтисодиётимиз ва жамиятимиз ҳаётида ахборот-коммуникация технологияларининг алоҳида ва муҳим ўрин тутишини ҳисобга олиб, 2013 йилда 2013-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантириш комплекс дастури қабул қилинди. Ушбу дастур доирасида амалга оширилаётган лойиҳалар 2014 йилда мамлакатимизда барча автомат телефон станцияларини рақамли тизимга ўтказишни яқунлаш учун замин яратди. Бу эса халқаро ахборот тармоқларидан фойдаланиш тезлигини сезиларли даражада ошириш имконини берди.

Аҳоли, жумладан, мамлакатимизнинг олис ҳудудларида яшаётган аҳолининг ахборот-коммуникация технологиялари хизматларидан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Масалан, 2014 йилда юртимизда, хусусан, Қўнғирот, Бойсун, Узун, Мўйнок каби олис туманларда 2 минг километрдан зиёд оптик толали алоқа тармоқлари барпо этилди.

Мамлакатимизда интернетдан фойдаланувчилар сони йил сайин кўпайиб бормоқда. Бугунги кунда улар 10 миллион 200 минг кишидан ошди ёки мамлакатимиз аҳолисининг учдан бир қисмини ташкил этмоқда. Республикамизда интернетнинг ўтказувчанлик даражаси 4 баробар оширилди, интернетга уланиш тезлиги эса 1,5 марта ортди. Шу билан бирга, ундан фойдаланиш нархи 2013 йилга нисбатан 11,6 фоизга камайди.

Ўтган йили 500 дан ортиқ янги базавий мобиль алоқа станциялари ўрнатилиши ҳисобидан алоқанинг ушбу замонавий, юқори технологияларга

асосланган тизими абонентлари сони қарийб 20 миллион кишини ташкил этди, уларга кўрсатилаётган хизматлар ҳажми қарийб 26 фоизга кўпайди.

Айни пайтда қишлоқ жойларда хизматлар соҳаси ҳали-бери етарлича ривожланмаганини ҳам айтиш жоиз. Қишлоқда аҳоли жон бошига тўғри келадиган хизматлар кўрсатиш ҳажми шаҳардагидан ҳали-ҳамон сезиларли даражада ортда қолмоқда. Айни пайтда қишлоқ жойларда алоқа хизмати, банк-молия ва коммунал хизматлар соҳасини ривожлантириш учун катта салоҳият мавжудлигини ҳам унутмаслик даркор.

Бугунги кунда дунёнинг турли минтақаларида шиддат билан содир бўлаётган жараёнлар ва биринчи навбатда, қарама-қаршиликларнинг кучайиб бораётгани, жаҳон бозорларидаги вазиятнинг тез ўзгараётгани, ҳали-бери давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi ва унинг оқибатлари, дунёнинг кўплаб давлатларида инвестиция фаоллигининг сусайиши ва ўсиш суръатларининг пасайиши мамлакатимиз иқтисодиётига ҳам ўзининг салбий таъсирини ўтказмасдан қолмайди, албатта.

Шундан келиб чиқиб, 2015 йилда ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўсиш суръати 108 фоиз даражасида бўлиши кўзда тутилмоқда. Бу борада саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг 8,3 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 6 фоизга кўпайиши белгиланмоқда.

Биз ўз олдимизга истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни 11,7 фоизга, шу жумладан, озиқ-овқат маҳсулотларини 11 фоиз ва ноозик-овқат товарларини 12,1 фоизга кўпайтириш, ушбу маҳсулотларни чакана савдо тармоғи орқали сотишни 14,2 фоизга ошириш вазифасини қўймоқдамиз.

Жорий йилда хизмат кўрсатиш соҳасини янада жадал суръатлар билан ривожлантириш мўлжалланмоқда. Хизматлар кўрсатиш ҳажмини 15,6 фоизга ошириш ва унинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 54,5 фоизга етказиш назарда тутилмоқда.

Айни пайтда инфляция даражаси 5,5 – 6,5 фоизни ташкил этиши кутилмоқда. Бу 2014 йилга қараганда сезиларли даражада пастдир.

3.3.Сирдарё вилоятида хизматлар бозорини ривожланиш даражаси таҳлили

Сирдарё вилоятида хизматлар бозорини ривожланиши учун етарли шарт-шароитлар мавжуд. Ушбу шароитлардан оқилона фойдаланган ҳолда жами хизматлар 1124,5 млрд. сўмни ташкил этиб, 2013 йилга нисбатан 115,9 фоиз ўсишига эришилди.

Хизматларнинг барча турлари бўйича ҳамда барча туман ва шаҳарларда жами хизматларнинг ўсиш суръатлари тўлиқ таъминланди.

Жами хизматларда савдо ва умумий овқатланиш (23,5%), транспорт (11,2%), молия (9,8%), алоқа ва ахборотлаштириш (7,9%), маиший (7,7%) ва бошқа (26%) хизмат турларида улушлари юқори бўлди.

Шунингдек, алоқа ва ахборотлаштириш, транспорт, қурилиш ҳамда маиший хизматларнинг жами хизматлардаги улушлари 2013 йилга нисбатан мос равишда 0,2, 0,3, 2 ва 0,5 бандга ўсди.

Жами хизматлар бўйича 115,9 фоиз ўсишига эришилишига қарамасдан белгиланган прогноз кўрсаткичи (118,1%) 2,2 бандга (алоқа ва ахборотлаштириш (0,3 бандга), молия (19,3 бандга), қишлоқ хўжалиги техникаларини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш (23,8 бандга), савдо ва умумий овқатланиш (2,8 бандга), соғлиқни сақлаш (1,8 бандга), қишлоқ хўжалиги (2,6 бандга) ва бошқа (0,3 бандга) хизматлар) бажарилмасдан қолди.

Хизмат турлари бўйича кўриб чиқилганда бунга сабаб бўлган омилларни кўриб чиқиш мумкин:

- алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари 0,3 бандга (Кўпгина абонентлар

2014 йилнинг 1 декабридан фаолиятни бошлаган "UMS" алоқа операторига

ўтиб кетган. Аммо 2014 йил учун ушбу корхона вилоятда давлат регистрдан ўтмаганлиги сабабли ҳисобот тақдим этмаганлиги сабабли);

- молия хизматлари (банк, суғурта ва молиявий лизинг хизматлари билан бирга) 19,3 бандга (1. Тижорат банкларида кредит ставкалари 18-24% бўлганлиги сабабли кредит олувчи мижозлар сони камайганлиги сабабли ўтган йилга нисбатан кредит хизматлари 9,0 млрд. сўмга

3. Юқори фоиз ставкалари бўлганлиги сабабли лизинг хизмат кўрсатиш камайган сабабли ўтган йилга нисбатан 0,7 млрд. сўмга камайганлиги сабабли);

- қишлоқ хўжалиги техникаларини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш хизматлари 23,8 бандга ("SAYXUNOBOD AGROTEXSERVIS" масъулияти чекланган жамиятининг балансида ҳозирги вақтда фақатгина 25 та пахта терим комбайнлари мавжуд бўлиб, ғалла ўрим ва ер ҳайдаш бошқа техникаларни ижара асосида ишлатиб келган. Бугунги кунда фермер хўжаликлари томонидан корхонага кўрсатилган хизматлари учун ҳақлар ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда тўланмаганлиги сабабли бошқа техникаларни ижара асосида олиб хизмат кўрсатишни имкони бўлмаганлиги сабабли);

- савдо ва умумий овқатланиш хизматлари 2,8 бандга (1."SIRDARYO GO'SHT-SUT SAVDO" МЧЖ - чакана савдо корхоналарини халқ истеъмоли моллари билан барқарор таъминлаш чоралари кўрилмаганлиги ҳамда ички истеъмол бозорида маркетинг тадқиқотлари олиб борилмаганлиги сабабли "Ўзулгуржисадоинвест № уюшмаси таркибидан чиқарилиб, бугунги кунда банкрот ҳолатига келиб қолганлиги сабабли ўтган йилга нисбатан 620,7 млн. сўмга кам хизмат кўрсатган.

"Кафолат" суғурта агентиги томонидан кредит бериш ҳажмлари камайганлиги сабабли суғурта қилиш ишлари суръатлари пасайгани натижасида 2013 йилга нисбатан 389,6 млн. сўм,

Боёвут туманидаги "150-автокорхона" МЧЖ 2014 йилда 2 та алоҳида хўжалик юритувчи субъектга ажратилганлиги ҳамда ҳозирги вақтда ушбу

корхонага “Ўзавтосаноат” уюшмаси томонидан қўшимча равишда енгил автомобиллар сотиб олиш учун шартнома берилмаганлиги натижасида 24,1 млн. сўм кам хизматлар кўрсатилганлиги сабаб бўлган.

Вилоятимизда Ҳукуматимиз томонидан берилаётган топшириқлар ва кўрсатмалардан келиб чиқиб, хизмат кўрсатиш, айниқса хизматнинг янги замонавий турларини ташкил этиш мақсадида бир қатор амалий тадбирлар бажарилиши белгилаб олинди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 майдаги “2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш Дастури тўғрисида”ги ПҚ-1754-сонли ва 2013 йил 17 апрелдаги “2013-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасининг қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1957-сонли қарорлари ҳамда вилоят ҳокимининг 2012 йил 14 майдаги 151-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида дастур доирасида қиймати 19,2 млрд. сўмлик 626 та лойиҳалар амалга оширилиб, жами 1864 та иш ўринлари ташкил этилди.

Қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, тасдиқланган дастурга асосан 2014 йилда вилоятнинг қишлоқ жойларида 529 та лойиҳа барпо этилди ва 1405 та янги иш ўринлари яратилди.

Хизмат кўрсатиш соҳасида бир қатор амалий тадбирлар бажарилмоқда.

Жумладан, жорий йил мобайнида вилоят бўйича жами 363 та хизмат кўрсатиш шохобчалари ташкил этиш белгилаб олинди.

Жорий йилда 626 та (172,5%) шохобчалар ишга туширилди ва 1864 та (173,2%) янги иш ўринлари яратилди.

Хусусан, 266 та савдо дўкони ва дорихоналар, 39 та умумий овқатланиш шохобчалари, 59 та маиший хизмат кўрсатиш марказлари, 2 та тўйхона,

3 та суғурта шохобчалари, 27 та пайнет шохобчалари, 3 та меҳмонхона, 63 та кийим таъмирлаш устахоналари, 15 та пойабзал тикиш ва таъмирлаш устахоналари, 56 та сартарошхона ва гўзаллик салонлари, 6 та суратхоналар, 3 та маиший техникаларни таъмирлаш устахоналари, 15 та автомобилларни таъмирлаш устахоналари ва 69 та бошқа шохобчалар очилди.

Ушбу лойиҳаларни амалга оширилиши учун жами 19,2 млрд. сўм маблағ йўналтирилган бўлиб, шундан 11,6 млрд. сўм лойиҳа ташаббускорларнинг ўз маблағлари ва 7,6 млрд. сўм банк кредитлари ташкил этди.

Қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2014 йилда тасдиқланган дастурга асосан, вилоятда фойдаланишга топширилиши белгиланган 363 та сервис ва маиший хизмат кўрсатиш объектларининг 305 таси (84 %) қишлоқ жойларда барпо этилиши ва 785 та янги иш ўринлари яратилиши белгилаб олинган.

Хусусан, 2014 йилда вилоятда фойдаланишга топширилган 626 та сервис шохобчаларининг 529 таси (84,5%) қишлоқ жойларда ташкил этилиб, 1405 та янги иш ўринлари яратилган. Дастур доирасида амалга ошириладиган қолган лойиҳалар бўйича вилоят ҳокимлиги томонидан махсус ишчи гуруҳ ташкил этилиб, кунлик мониторинг ишлари олиб борилмоқда ва ҳар бир маиший хизмат ва сервис шохобчаларни яратилиши бўйича ойма-ой тақсимот режаси туман, шаҳар кесимида ишлаб чиқилиб, тижорат банкларида миқозлар ҳисоб рақами очирилмоқда.

Хизматлар соҳасини ривожлантириш учун қуйдаги чора-тадбирларни амалга ошириш зарур:

-маиший хизмат соҳасини кенгайтириш (қурилиш хизматлари, кўп қаватли уйлар, шахсий уйлар, компьютер ва оргтехникалар таъмири);

-савдо ва умумий овқатланиш хизматларини ривожлантириш (умумтаълим ва касб хунар коллежларида ошхона ва буфетлар, улгуржи савдо базалари, чакана савдо билан шуғулланувчи ҳамда озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлайдиган корхоналар, савдо мажмуаси ишлари, шаҳар аҳолисига қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиб берувчи доимий ярмаркалар ўтказувчи ташкилотлар);

-банк ва молия хизматларини кенгайтириш (микрокредитлаш хизмати иxtисослаштириш, янги жамғарма ва махсус кассалар ташкил этиш);

-қишлоқ хўжалиги хизматларини ривожлантириш (фермер хўжаликларига техник хизмат кўрсатадиган бирлашган МТП, СФУлар ташкил этиш);

- савдо маданиятини ва сифатини ошириш, аҳолини сифатли озиқ – овқат ва истеъмол маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида шаҳарларда ва туман марказларида замонавий типдаги мини-маркетлар ва савдо шаҳобчаларини ташкил этиш;

- аҳолига маданий ва маиший хизматлар кўрсатилишини яхшилаш, унинг сифатини ошириш, пуллик хизматлар кўрсатилиши ҳажмини ошириш мақсадида маҳаллаларда аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш шаҳобчаларини ташкил этиш ва шу асосда маҳаллалар бюжетини шакллантириш;

- истеъмолчи ҳақ-ҳуқуқларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рақобатчилик муҳитини қарор топтириш;

- суғурта хизматларини такомиллаштириш;

- тайёрлов ва таъминот корхоналари фаолиятини такомиллаштириш асосида аҳолидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини нақд пул асосида қабул қилиб олишни йўлга қўйиш;
- вилоятда аҳолини табиий газ ва тоза ичимлик суви билан таъминлаш дастурини бундан буён ҳам изчил давом эттириш;
- шаҳар аҳолисига кўрсатилувчи уй-жой ва коммунал хизматлар сифатини ошириш ва ушбу соҳада турли мулкчилик шаклида фаолият юритувчи корхоналар ташкил этилишини рағбатлантириш;
- аҳолига кўрсатилувчи тиббий хизматлар сифатини ошириш ва тиббиёт соҳасида нодавлат тиббий муассасалар фаолиятини янада ривожлантириш;
- аҳолига кўрсатилувчи алоқа хизматларининг сифатини янада ошириш, интернет хизматларини йўлга қўйиш;
- инсоннинг ҳаёти ва хўжалик фаолиятининг барча жабҳалари бўйича фуқароларга маслаҳат хизматлари кўрсатувчи марказлар фаолиятини йўлга қўйиш ва рағбатлантириш;
- вилоятнинг табиий ресурсларини чуқур таҳлил қилган ҳолда, Сирдарё дарёси бўйида туристик дам олиш масканлари тизимини яратиш;
- вилоят ҳудудини кесиб ўтувчи стратегик аҳамиятдаги автомобил ва темир йўллар истикболларини таҳлил қилган ҳолда, вилоят ҳудудида улгуржи савдо тизимлари (бозорлари)ни барпо этиш ва шу асосда транзит юк ташувчиларга консигнацион, кемпинг ва турли хил техник хизматлар кўрсатишни йўлга қўйиш.

Хулоса ва таклифлар

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг мамлакатимиз иқтисодий соҳаларини ислоҳ қилиш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш, қўшма корхоналар ташкил этиш, корхоналарни очик турдаги ҳиссадорлик жамиятларига айлантириш ва айниқса, кичик бизнес ва хизмат курсатиш соҳаларини ривожлантириш масалаларига катта эътибор берилмоқда. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, ЯИМни яратишда кичик бизнес ва хизмат курсатиш соҳаларини роли ошиб бормоқда, яъни бу дегани ишлаб чиқаришнинг асосий қисми хусусий секторга тўғри келади. Демак, бизнинг мамлакатимизда ҳам хизмат курсатишни, шу билан биргаликда хизматлар бозорини ривожлантириш керак.

Умуман, хизмат кўрсатиш иқтисодиётнинг муҳим тармоғига айланиб бормоқда. Хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятининг йўлга қўйиш, ривожлантириш ва такомиллаштириш муҳим масала ҳисобланади. Ҳозирги вақтда Республикаimizдаги хизмат курсатиш соҳаларига яхши эътибор берилмоқда ва бу борада талайгина ишлар қилинмоқда.

Вилоятимизда хизматлар бозорини ривожлантириш учун қуйидаги таклифлар ишлаб чиқилди:

- аҳолига маданий ва маиший хизматлар кўрсатилишини яхшилаш, унинг сифатини ошириш, пуллик хизматлар кўрсатилиши ҳажмини ошириш мақсадида маҳаллаларда аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш шаҳобчаларини ташкил этиш ва шу асосда маҳаллалар бюджетини шакллантириш;
- суғурта хизматларини такомиллаштириш;
- шаҳар аҳолисига кўрсатилувчи уй-жой ва коммунал хизматлар сифатини ошириш ва ушбу соҳада турли мулкчилик шаклида фаолият юритувчи корхоналар ташкил этилишини рағбатлантириш;

- аҳолига кўрсатилувчи тиббий хизматлар сифатини ошириш ва тиббиёт соҳасида нодавлат тиббий муассасалар фаолиятини янада ривожлантириш;
- аҳолига кўрсатилувчи алоқа хизматларининг сифатини янада ошириш, интернет хизматларини йўлга қўйиш;
- кичик бизнес субъектларининг ҳуқуқий муҳофазасини кучайтириш ва улар фаолиятига бошқарув органларининг асоссиз тарзда аралашувини чеклаш;
- маслаҳат ва ахборот марказлари фаолиятини янада ривожлантириш, маркетинг ва реклама хизматларини жонлантириш.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. "Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, рағбатлантириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 1995 йил 21 декабр, №159-1
2. "Хусусий тадбиркорлик, кичик бизнесни ривожлантиришга оид рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 1997 йил 31 январ
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида. «Халқ сўзи», 2011 йил 28 январь. №23, (3135).
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. Хусусийлаштирилган корхоналарни корпоратив бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. «Халқ сўзи», 2009 йил 22 апрель, №85.(3197).
5. Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 2013 йилдаги асосий якунлари тўғрисида. Халқ сўзи газетаси, 18 январь 2014 йил №59.
6. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократиялаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т.: "Ўзбекистон" 2005
7. Каримов И.А. "Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз" Т.: "Ўзбекистон" 2000.
8. Каримов И.А. Бош мақсадимиз-кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. Т.: "Ўқитувчи" 2013. 123-б.
9. Каримов « 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир» 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган

иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. «Халқ сўзи», 2015 йил 19 январь, №85.(3197).

10. Алешина И.В. Маркетинг для менеджеров. М.: Фаир-пресс, 2003

11. Босчаева З.Н. Управление экономическим ростом. М.: ЗАО «Экономикс», 2004

12. Беляевский И.К. Маркетинговые исследования: информация, анализ, прогноз: Учеб. пособие. - М.: Финансы и статистика. 2001.-320 стр

13. Волгин В.В. Торговые операции. М.: 2004

14. Гулямов С.С., Расулов Д.Д., Хачиев Г.А. "Экономика Узбекистана и стран СНГ: цифры: и комментарии".- Т.: "Фан", 2001,40 стр

15. Данченко Л.Д., Ласковец С.В. Управление маркетингом. Московский универс. экономики.- М/МЭСИ, 2004

16. Кузнецов О.В. Букварь предпринимателя. СПб.: Питер, 2004

17. Курбангалива, Оксана Алексеевна Индивидуальные предприниматели: правовые основы деятельности, учёт, налогообложение. М.: ООО «Вершина», 2004

18. Котлер Ф. Маркетинг в третьем тысячелетии: Как создать, завоевать и удержать рынок/ Ф.Котлер; Пер. с англ. В.А. Гольдича и А.И. Оганесовой; Науч. ред. и авт. вступ. ст. Б.А. Соловьев.. -М.: Издательство АСТ, 2001

19. Рубе В.А. Малыш бизнес. История, теория, практика. М.: ТЕИС, 2000

20. Усмонов С.Н, Додобоев Ю.Т., Худойбердиев А. "Тадбиркорлик асослари". "Фарғона", 2000

21. Ғуломов С.С. "Тадбиркорлик ва кичик бизнес". Т.: "Шарқ", 2002.

22. Эгамбердиев Э., Хўжакулов Ж. "Кичик бизнес ва тадбиркорлик". Т.: "Маънавият", 2003.

23. Юлдашев Н.К., Козоков О.С. Менеджмент. Т.: Фан, 2004,

24. Ўзбекистон Иқтисодий ахборотномаси. 2008-2012 йиллар

25. www. Tu.t.uz
26. www. Istedod. uz.
27. www. Pravo uz.
28. www. aci.uz.
29. [www. usembassy.uz](http://www.usembassy.uz)